2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 85 (1684), 2026 йил 30 апрель, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

## ГИДРОЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ РЕЖАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 29 апрель куни гидроэнергетика соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот билан танишди.**

Ўзбекистонда 150 минг километрдан ортиқ дарёлар, сойлар ва каналлар мавжуд. Бу манбалар нафақат ичимлик суви ва суғориш, балки энергетика, иқтисодиёт ҳамда экология нуқтаи назаридан ҳам стратегик аҳамиятга эга.

Бугунги кунда электр энергияси ишлаб чиқаришнинг катта қисми табиий газ ва кўмирга боғлиқ. Гидроэнергия улуши эса 10-12 фоиз атрофида. Шу боис, гидроэнергетикани ривожлантириш энергия тизимини барқарорлаштириш, ёқилғи ресурсларига боғлиқликни камайтириш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишда муҳим ўрин тутади.

Сўнгги йилларда соҳада салмоқли натижаларга эришилди. 2017 йилда 36 та бўлган гидроэлектр станциялар сони 2025 йилда 100 тага етказилди. Уларнинг умумий қуввати 1,6 гигаваттдан 2,4 гигаваттгача ошди.

Марказий Осиёда ягона бўлган гидроагрегат ва технологик ускуналар ишлаб чиқарувчи “UzHydroPower” заводи ташкил этилди. Ўтган йили ишга туширилган Норин ГЭСлар каскадининг биринчи босқичи илк маротаба “миллий лойиҳа” моделига асосан амалга оширилиб, барча жараёнлар тўлиқ маҳаллий корхоналар томонидан бажарилди.

Шу билан бирга, мамлакатимиз гидроэнергетика салоҳиятининг катта қисми ҳали ишга солинмагани қайд этилди. Аҳоли ва иқтисодиёт ўсиши билан электр энергиясига талаб ошиб бораётганини ҳисобга олиб, бу салоҳиятдан тўлиқ, ҳар бир дарё, сой ва каналларда фойдаланиш ҳамда янги қувватларни жадал ишга тушириш зарурлиги таъкидланди.

Тақдимотда 2026-2032 йилларда умумий қиймати 5,8 миллиард доллар бўлган 73 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш режалари кўриб чиқилди. Бунинг натижасида қўшимча 3,6 гигаватт қувват яратилиши кутилмоқда.

Жорий йилда 13 та ГЭСни фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Уларнинг умумий қуввати 114 мегаватт, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми эса 537 миллион киловатт-соатни ташкил этади. Мазкур лойиҳалар доирасида 254 та иш ўрни яратилади. Бунга қўшимча Бўстонлиқ туманида 28 миллион долларлик грантлар ҳисобидан 20 мегаватт қувватли шамол электр станцияси қурилмоқда.

Йирик лойиҳалар қаторида Бўстонлиқ туманидаги Юқори Пском ГЭС қурилиши алоҳида аҳамиятга эга. Қиймати 365 миллион доллар бўлган мазкур лойиҳанинг қуввати 160 мегаватт, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 484 миллион киловатт-соат бўлади. Бу 161 минг хонадонни электр энергияси билан таъминлаш имконини беради. Лойиҳада маҳаллий компонентлар улуши 82 фоизни ташкил этади.

Фарғона вилояти Сўх туманида “миллий лойиҳа” тамойили асосида Сўх ГЭС қурилиши режалаштирилган. Қуввати 15 мегаватт бўладиган ушбу станция йилига 50 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариб, тумандаги электр эҳтиёжининг 71 фоизини барқарор таъминлашга хизмат қилади.

Юқори Тўпаланг ҳудудининг гидроэнергетика салоҳияти ҳам кўриб чиқилди. “Тўпаланг” сув омборига қуйиладиган дарё ва сойларда 42 та кичик ГЭС қуриш орқали 541 мегаватт қувват яратиш, йилига қарийб 1,9 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

Дунё амалиётида гидро тўплаш электр станцияларини қуриш орқали энергияни сақлаш ва қайта тақсимлаш тизимлари кенг жорий этилаётгани таъкидланди. Мамлакатимизда ҳам илк бор умумий қуввати 1,4 гигаватт бўлган 3 та шундай станцияни барпо этиш имкониятлари кўриб чиқилмоқда.

Шунингдек, умумий қуввати 164 мегаватт бўлган 2983 та кичик ва микро ГЭС қуриш режалари муҳокама қилинди.

Рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ҳам соҳа самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналиши сифатида белгиланди. Сув омборлари ва гидроиншоотларда сув сатҳи, сув ҳажми, босим, метеомаълумотлар ва ишлаб чиқариш жараёнларини онлайн кузатиш имконини берувчи рақамли мониторинг тизимлари босқичма-босқич жорий этилади. Ҳозирда сув омборларининг хавфсизлигини таъминлаш учун 3,5 мингта назорат-ўлчов аппаратлари ўрнатилган.

Давлатимиз раҳбари гидроэнергетика соҳасидаги лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш бўйича мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди.

Тақдимотда пойтахт ҳудудидаги дарё ва каналлар бўйларини ободонлаштириш, шаҳарда салқин микроиқлим яратиш мақсадида сунъий кўл ва ҳавзалар барпо этиш бўйича ишлар тўғрисида ҳам ахборот берилди.

Жумладан, Чирчиқ дарёсининг пойтахт ҳудудидан ўтувчи 16 километр қисмини ободонлаштириш ҳисобига 306 гектар ер майдонида “Дарё бўйи” лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган.

Лойиҳа доирасида дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш, яшил ҳудудлар барпо этиш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини жойлаштириш ишлари амалга оширилади. Бектемир канали бўйида 187,3 гектар майдонда “яшил белбоғ” яратилади, сайилгоҳлар барпо этилади. Пиёдалар ва велойўлаклар, ички йўллар, ёритиш тизимлари ҳамда кўприклар қурилади.

Пойтахтда 4 та сунъий кўл ва сув ҳавзаларини ташкил этиш лойиҳаси ҳам тақдимот қилинди. Президентимиз аҳоли учун қулай шароитлар, шаҳарда салқин микроиқлим яратишга бу камлик қилишини қайд этиб, кўллар сонини 12 тага етказишни топширди.

**ЎзА**

## ЧЕХИЯ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

**Чехия Республикаси Бош вазири Андрей Бабиш 29 апрель куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.**

Олий мартабали меҳмонни “Тошкент-Ҳумо” халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Шундан сўнг Олий мартабали меҳмон “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Мамлакатимиз ўтмиши ва келажаги тимсоли саналган Мустақиллик монументи Янги Ўзбекистон маънавиятининг гултожидир. У ерда камолот соҳиблари бўлмиш аждодларимиз сиймоси акс этган.

Чехия Бош вазири умрини юрт тараққиёти, эл фаровонлиги йўлида илм-маърифат билан ўтказган аждодларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Юртимиз тарихи, дунё тамаддунига ҳисса қўшган боболаримиз маърифати ҳақида маълумот берилди.

Тошкент шаҳрида Чехия Республикаси Бош вазири Андрей Бабишнинг мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида икки давлат ишбилармон доираларининг қўшма бизнес форуми ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва Чехия Республикаси Бош вазири Андрей Бабиш иштирок этди.

Форумда икки мамлакатнинг етакчи саноат корхоналари, инвестиция компаниялари ва молиявий тузилмалари вакиллари жам бўлди. Хусусан, Чехия делегацияси таркибидан машинасозлик, энергетика, кимё, фармацевтика ва транспорт-логистика соҳаларида фаолият юритувчи 50 дан ортиқ йирик компания раҳбарлари жой олди.

Таъкидланганидек, сўнгги саккиз йил ичида Ўзбекистон ва Чехия ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми икки баробарга ошди. Бугунги кунда мамлакатимизда Чехия капитали иштирокида 36 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Фармацевтика, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва туризм соҳалари ўзаро ҳамкорликнинг муваффақиятли йўналишлари сифатида қайд этилди.

Музокаралар давомида иқтисодий алоқаларни янги босқичга олиб чиқишнинг қатор истиқболли йўналишлари ҳақида сўз борди.

Давоми 2-бетда



### Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

## УМУМХАЛҚ БИРДАМЛИГИ ИФОДАСИ, МИЛЛИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ СТРАТЕГИК КАФОЛАТИ




**Миллий суверенитет ва давлат мустақиллиги ҳар қандай мамлакат тараққиётининг фундаментал асосини ташкил этади. Ушбу омиллар сиёсий барқарорликни таъминлаш, ижтимоий тараққиётни изчил йўлга қўйиш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ҳамда миллий маданият ва қадриятларни асраб-авайлашнинг ҳал қилувчи шарти этиб белгиланган. Айни пайтда мустақиллик давлатнинг халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида шаклланиши, глобал майдонда ўз манфаатларини ҳимоя қила олиши ва муносиб ўрин эгаллашини таъминлайди. Шу нуқтаи назардан, мустақиллик нафақат сиёсий мақом, балки халқ фаровонлиги ва миллий ривожланишнинг стратегик кафолати деб баҳоланиши лозим.**

Мустақиллик Ўзбекистон тараққиётида сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб берди. У фақат сиёсий тизим янгиланиши билан чекланиб қолмай, иқтисодий муносабатлар, жамиятнинг маънавий-ахлоқий асослари ва ижтимоий институтларнинг тубдан қайта шаклланишини ҳам англатди. Ўтган даврда мамлакат режали иқтисодиёт моделидан бозор тамойилларига асосланган тизимга босқичма-босқич ўтди, давлат ва жамият бошқарувининг демократик институтлари шакллантирилди, фуқаролик жамиятининг институционал асослари яратилди. Шу билан бирга, мазкур жараёнлар мураккаб ижтимоий-иқтисодий шароитларда, ташқи иқтисодий босимлар, глобал рақобат ва геосиёсий ўзгаришлар таъсирида амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш зарур.

2016 йилдан бошлаб Президентимиз раҳбарлигидаги ислоҳотлар мамлакат тараққиётида янги сифат босқичини бошлаб берди. “Янги Ўзбекистон” концепцияси доирасида илгари сурилган ислоҳотлар давлат бошқарувини либераллаштириш, иқтисодиётни диверсификация қилиш ва жамият ҳаётининг барча соҳасида очиқликни таъминлашга қаратилди. Хусусан, янги таҳрирдаги Конституциянинг қабул қилиниши, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг ишлаб чиқилиши, ташқи сиёсатда прагматик ва очиқ ёндашувнинг кучайиши, инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар, шунингдек, рақамли трансформация жараёнларининг жадаллашуви мамлакатимизнинг барқарор ва жадал ривожланишини таъминлаётган муҳим омиллардир.

Натижада Ўзбекистон сўнгги йилларда нафақат миллий иқтисодиётни модернизация қилиш, балки минтақавий ва глобал иқтисодий жараёнларда фаол иштирок этувчи давлат сифатида позициясини мустаҳкамламоқда. Бу эса мустақиллик йилларида танланган тараққиёт йўлининг стратегик жиҳатдан тўғри ва узоқ муддатли манфаатларга хизмат қилаётганини кўрсатади.

Энди иқтисодий кўрсаткичларга мурожаат қилиш орқали ислоҳотларнинг амалий натижаларини баҳолаш мумкин. 2026 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимиз иқтисодиёти барча асосий йўналиш бўйича барқарор ўсиш динамикасини намоён этди. Хусусан, ялпи ички маҳсулотнинг 8,7 фоизга ўсиши нафақат миллий миқёсда, балки глобал иқтисодий вазият нуқтаи назаридан ҳам юқори кўрсаткичдир. Бугун ривожланаётган мамлакатларда ўртача иқтисодий ўсиш суръати 4-5 фоиз атрофида шаклланаётганини инобатга олсак, мазкур натижа ички иқтисодий фаолликнинг сезиларли даражада ошгани ва ислоҳотларнинг муайян самара бераётганини кўрсатади. Шу билан бирга, бундай юқори ўсиш суръатининг барқарорлиги масаласи алоҳида таҳлилни талаб қилади. Чунки қисқа муддатли “сакраш”лар эмас, балки узоқ муддатли трендлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Тармоқлар кесимидаги таҳлил иқтисодий ўсиш манбаларини янада аниқ очиб беради. Хизматлар соҳасининг 16,1 фоиз ўсиши иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар чуқурлашаётганини англатади. Замонавий иқтисодиётда айнан хизматлар сектори юқори қўшилган қиймат яратиш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва инновацияларни жорий қилишда етакчи ўрин тутади.

Саноат ишлаб чиқаришининг 8, қишлоқ хўжалигининг эса 5,1 фоиз ўсиши иқтисодиётнинг нисбатан мувозанатли ривожланаётганини кўрсатади. Бу ҳолат бир тармоққа ортиқча боғланиб қолиш хавфини камайтиради ва ташқи шокларга нисбатан барқарорликни оширади.

Ташқи иқтисодий фаолият кўрсаткичлари ҳам ижобий динамикани акс эттирмоқда. Экспорт ҳажми 5,8 миллиард, жалб қилинган хорижий инвестициялар эса 13,7 миллиард долларни ташкил этди.

Макроиқтисодий барқарорлик нуқтаи назаридан инфляция даражасининг 7,1 фоизга тушгани алоҳида аҳамиятга эга. Бу сўнгги йиллардаги пул-кредит сиёсати ва бозор механизмларини чуқурлаштириш чора-тадбирларининг натижаси сифатида баҳоланиши мумкин.

Давлат молияси соҳасидаги кўрсаткичлар ҳам ижобий тенденцияни намоён этмоқда. Жумладан, биринчи чоракда бюджет даромадлари ўтган йилдагига нисбатан 35 фоиз ўсиб, 103 триллион сўмга етди. Маҳаллий бюджетларда қўшимча 2,2 триллион сўм маблағ шакллантирилгани, шундан 1,4 триллион сўмнинг туман ва шаҳарлар ихтиёрида қолдирилгани молиявий номарказлаштириш сиёсати изчил юритилаётганини кўрсатади. Бу эса ҳудудларнинг иқтисодий фаоллигини рағбатлантириш, жойларда ташаббускорликни кучайтириш ва ресурслардан самарали фойдаланиш учун муҳим институционал асос яратади.

Иқтисодиётдаги энг муҳим тизимли ислоҳотлардан бири хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштиришдир. Бугун иқтисодиётда давлат улуши 42 фоизни, давлат иштирокидаги корхоналар сони 1685 тани ташкил этмоқда. Сўнгги беш йилда хусусийлаштириш натижасида давлат корхоналари сони 60 фоиз камайди. Бу ниҳоятда муҳим иқтисодий ўзгаришдир.

Давоми 3-бетда

## Любомир ФРЕБОРТ: “ЧЕХИЯ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИГА УСТУВОР АҲАМИЯТ БЕРАДИ”

**Чехия Бош вазири Андрей Бабишнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи арафасида “Дунё” АА мухбири Чехия элчиси Любомир Фреборт билан суҳбатлашди.**

***— Сўнгги йилларда Ўзбекистон — Чехия ўртасидаги муносабатларда сезиларли ўсишга эришилди. Мутахассисларнинг айтишича, икки давлатнинг ўзига яраша яхши тарихи бор. Келинг, суҳбатимизни Ўзбекистон — Чехия алоқалари асосларидан бошласак.***

— Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар чуқур тарихий илдизларга эга эканини тўғри таъкидладингиз. Шу билан бирга, замонавий дипломатик муносабатлар 1990-йиллар бошларида ўрнатилганини эслатиб ўтмоқчиман.

Давоми 2-бетда

## УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР ИШЛАШГА, ИЗЛАНИШГА ЧОРЛАЙДИ

2



Ўзбекистон компаниялари муҳим тармоқ тадбирларида фаол иштирок этаётгани диққатга сазовор. Хусусан, Брно шаҳрида ҳар йили энг йирик халқаро машинасозлик кўргазмаси ўтказилиб, унда сўнгги йилларда Ўзбекистон миллий павильони билан қатнашмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 30 апрель, 85-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

# ЧЕХИЯ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Чехия компаниялари мис ва бошқа рангли металларни қазиб олиш, уларни чуқур қайта ишлаш ҳамда тоғ-кон техникаларини маҳаллийлаштириш лойиҳаларига таклиф этилди.

Гидроэлектр станциялар қуриш, когенерация ускуналарини ўрнатиш, соҳани рақамлаштириш ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича шерикликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

**Ўзбекистоннинг АТ-парклари ва соҳадаги 100 мингдан зиёд мутахассис салоҳиятидан фойдаланган ҳолда учинчи давлатлар бозори учун қўшма рақамли маҳсулотлар яратиш имкониятлари муҳокама қилинди.**

Мамлакатимиздаги кимё кластерлари негизида минерал ўғитлар, полимерлар ва маиший кимё воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, шунингдек, фармацевтика соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Икки давлатнинг географик жойлашуви стратегик аҳамиятга эга экани алоҳида қайд этилди. Бу Ўзбекистон учун Европа Иттифоқи бозорига, Чехия учун эса Марказий Осиё бозорига чиқишда дарвоза вазифасини ўтайди. Шу муносабат билан паритет асосида савдо уйлари ва логистика марказларини ташкил этиш таклифи илгари сурилди.

Ўзбекистон томони чехиялик инвесторлар учун махсус саноат паркларида яратилган имкониятлар ва Европа компаниялари учун тақдим этилаётган алоҳида имтиёзларга тўхталиб ўтди.

Ўз навбатида, Чехия Бош вазири ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёрлигини билдириб, аниқ инвестициявий таклифларини тақдим этди.

Форум якунида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган қатор муҳим ҳужжатлар ва битимларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Чехия Республикаси Бош вазири Андрей Бабиш нафақат юртимиз, балки бутун дунё гавҳарига айланган Тошкентдаги Ислом цивилизацияси марказига борди.

Ислом цивилизацияси маркази илмий, маърифий ҳамда тарихий нуқтаи назардан ўтмиш ва бугунни боғловчи кўприкдир. Бугун унинг фаолияти бутун дунё диққат марказида бўлиб келмоқда.

Бу ерга ташриф буюрувчиларга халқаро стандартлар асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Мажмуа ҳақида тарқатма материаллар, брошюралар ва китоблар нашр қилинди. Ўзбекистон музей амалиётида илк бор нуфузли халқаро экспертлар жалб этилган ҳолда замонавий кимё-физик лабораторияда барча музей ашёларининг кимёвий таркиби ва яратилганлик вақти аниқланиб, уларнинг технологик паспортлари тайёрланди.

Халқаро ISO стандартлари асосида экспонатлар рақамлаштирилиб, ягона электрон платформага жойлаштирилди. ЮНЕСКО ва ИКОМ талаблари, шунингдек, жаҳоннинг энг машҳур музейлари тажрибаси асосида экспонатларнинг 8 йўналишдаги этикетаж эталонлари ва таснифлари яратилди. Ҳар бир экспонатга QR-кодлар жойлаштирилиши натижасида ташриф буюрувчилар мобил телефон ёки планшет орқали уларнинг видео ва аудио контенти билан дастлаб 3 тилда, кейинчалик эса 8 тилда танишиш имконига эга бўлди.

Бугун мажмуада Британия, Лувр ва Метрополитен музейларидаги каби планшетлар орқали видео ҳамда аудио танишув, аудиогидлар, радиогидлар ва маълумот олиш қулоқчинларидан фойдаланиш йўлга қўйилган.

Чехия Бош вазири Андрей Бабиш жаҳон музейларига тенглаша олувчи ноёб дурдоналарни сақлаётган Ислом цивилизацияси экспонатларини кўздан кечириб, аждодларимизнинг бой меросидан ҳайратга тушди.

Ташриф дастурига мувофиқ, 30 апрель куни Тошкент шаҳрида олий даражадаги музокаралар бўлиб ўтади, кўп қиррали Ўзбекистон – Чехия ҳамкорлигини янада ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилади.

**Ўзаро савдони кўпайтириш, машинасозлик, “яшил” энергетика, кимё, фармацевтика ва транспорт соҳаларида кооперацияни кенгайтириш диққат марказида бўлади. Маданий-гуманитар ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинади.**

Халқаро кун тартибидаги масалалар, шу жумладан, кўп томонлама майдонларда ўзаро қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳам фикр алмашилади.

Чехия Республикаси Бош вазири Андрей Бабишнинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

**Икром АВВАЛБОЕВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
Марҳабо ҲОЖИАКБАРОВА,
ЎзА мухбирлари**

# УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР ИШЛАШГА, ИЗЛАНИШГА ЧОРЛАЙДИ

**Давлатимиз раҳбарининг Фарғона вилоятига навбатдаги ташрифи уста боғбонлар, томорқачилар ҳаётида янги имконият эшикларини очди десак, муболаға бўлмайди.**

Дастурхонимиз тўкин бўлишида аграр тармоқ катта аҳамиятга эга. Кейинги йилларда соҳани ривожлантиришда ислоҳотлар кўлами янада кенгайди. Эсимни таниганимдан буён қишлоқ хўжалигида меҳнат қилиб келаман. Бугунги деҳқончилик анъаналарини аввалгиси билан қиёслаб бўлмайди. Деҳқончилик билим, кўникма ва изланишлар маҳсули эканини англаб етдик. Бу маҳсулот етиштириш билан бирга қўшилган қиймат яратиш, экспортни кўпайтириш имкониятини бермоқда.

Энди экишдан бошлаб, саралаш, қадоқлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилишгача бўлган тўлиқ занжирни қамраб олувчи замонавий агромарказлар ташкил этиляпти. Бу — жуда катта имконият, қулайлик. Авваллари етиштирган маҳсулотимизга бозор тополмай сарсон бўлардик. Айни пишиқчилик мавсумида маҳсулот сақловчи музлаткичли омборлар йўқ эди. Очиқ майдонда, қўлбола шароитда сақланган сархил мева-сабзавотлар сифати тез пасаярди. Табиийки, бу ҳолат деҳқону боғбонларга зарар келтирарди. Йил бўйи меҳнат қилиб, фойдадан қуруқ қолган кунларимиз кўп бўлган.

Ҳозир бу борадаги иш йўсини бутунлай ўзгача. Жойларда маҳсулотларни харид қилиш, сақлаш, қайта ишлаш, экспортга чиқариш билан боғлиқ мукаммал тизим ишлаб чиқилди. Фарғона вилоятидаги ҳолатни таҳлил қилсак, шириндан шакар мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, экспорт ҳажми ва географиясини кенгайтириш мақсадида янги имкониятлар ишга солинмоқда.

“Қува Агростар” замонавий корхонасида қилинган ишлар ҳайратлантиради. Сўнгги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган агрокомплексда 12 турдаги маҳсулот етиштириш, қадоқлаш, қайта ишлаш имкониятлари мавжуд. Global GAP, ISO 22000, Halal ва HACCP каби халқаро сертификатлар маҳсулот сифати ва миллий брендга ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу тайёр маҳсулотни экспорт қилиш имкониятини янада кенгайтиради, иқтисодиётни мустаҳкамлайди.

Мажмуа тумандаги 33 маҳаллада жойлашган 3 минг хонадон ва мингта деҳқон хўжалиги билан кооперация асосида фаолият юритади. Бу юзлаб одамлар учун иш ўрни, доимий даромад дегани. Шунингдек, аҳолига 10 сотих ердан ўртача 250 миллион сўм даромад қилиш амалиёти




**Ислоҳотлар самараси**



**Мастурахон САЙФИДДИНОВА,
“Фарғона анорчилик” агрофирмаси раҳбари**

ўргатилмоқда. Кўрилаётган натижа ҳам шунга яраша салмоқли. Хусусан, 2025 йилда Япония ва Жанубий Корея каби янги бозорлар сари йўл очилди. Жорий йилда 25 миллион долларлик сархил маҳсулотлар экспорт қилиш режалаштириляпти. Бунақаси илгари бўлган эмас.

Агровольтаика усулида ташкил этилган узумзор, чорвачилик ҳамда балиқчилик комплексида яратилган шароит ва имкониятлар ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Ҳудудда қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда икки босқичли сув тежовчи технологиялар ўрнатилган. 110 гектар майдонда интенсив боғдорчилик, чорвачилик ва балиқчиликни қамраб олган комплекс аграр тармоқ ривожига хизмат қиляпти. Қуёш панеллари нафақат электр билан таъминлайди, балки экин учун соя вазифасини ҳам ўтайди. Шу орқали ўсимликлар илдизи атрофидаги намликни сақлайди. Бу, ўз навбатида, сув тежамкорлигида ҳам жуда муҳим. Ушбу ажойиб занжир ҳалқаси ҳароратни меъёрда ушлаб туриш орқали қуёш панелининг барқарор ишлашини таъминлайди. Натижада сув сарфи 40, ўғит сарфи 35, қўл меҳнати 90 фоиз камайиши кузатилган, ҳосилдорлик эса 25 фоиз ошган.

Президентимиз қишлоқ хўжалигидаги устувор йўналишларни белгилаб берди. Вилоятда 370 минг гектар суғориладиган ер бор. Шундан 55 минг гектари боғ ва токзор. 5500 гектар боғ ва токзор эскирган, 6 минг гектар дашт ва адир еридан самарали фойдаланилмаяпти. Бу имкониятлар ишга солинса, қўшимча 300 минг тонна мева-сабзавот етиштириш ва 2 триллион сўмлик қўшилган қиймат занжирини яратиш имконияти мавжуд.

Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг узоқ истиқболли, халқчил сиёсати ҳамда аниқ режа, илмга асосланган ҳаётбахш лойиҳаларнинг амалдаги ифодасидир.

## Любомир ФРЕБОРТ:

# “ЧЕХИЯ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИГА УСТУВОР АҲАМИЯТ БЕРАДИ”

Бошланиши 1-бетда

Улар дастлаб ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ва ҳар икки томоннинг миллий манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланади. Биз Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлини танлаганини ҳурмат қиламиз, амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаймиз. Президент Шавкат Мирзиёев жанобларининг сиёсатига мувофиқ, янги Ўзбекистонни барпо этишга кўмаклашишга доим тайёрмиз.



Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ўзаро алоқалар, албатта, мустақилликдан кейинги давр билан чекланмайди. Халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик анча узоқ анъанага эга. XIX асрдаёқ чехиялик таниқли олимлар ва тадқиқотчилар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига ташриф буюрган.

Бир неча кўргазмали мисоллар келтиришга ижозат бергайсиз. 1878 йилда Тошкентдаги ҳозирги Амир Темур майдони ҳудудида жойлашган эркаклар гимназиясининг биринчи директори чех профессори бўлган. Чехиянинг ҳиссаси Ўзбекистоннинг замонавий инфратузилмасида ҳам сезилади: булар, хусусан, Урганч — Хива йўналишида



фойдаланилган “Škoda” троллейбуслари, Самарқанддаги трамвайлар, шунингдек, мамлакат авиация паркида фойдаланиладиган L-410 самолётларидир. Сурхондарё вилоятидаги қазишмаларда бирга ишлаётган археологларнинг самарали ҳамкорлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

***— Чехия Бош вазири Андрей Бабиш Ўзбекистонга илк бор расмий ташриф билан келди. Бу сафарнинг асосий мақсадлари нима? Чехия томони қандай амалий натижаларга умид қилмоқда? Музокаралар давомида ва икки томонлама битимларни имзолашда қайси мавзулар устувор бўлади?***

— Аввало, таъкидламоқчиманки, Бош вазир Андрей Бабишнинг ташрифи икки томонлама муносабатларни ривожлантириш учун принципиал аҳамиятга эга. Бу танлов Чехия раҳбарияти Ўзбекистон билан муносабатларга алоҳида аҳамият бераётганидан яққол далолат беради. Бундан ташқари, Ўзбекистон Чехия билан кенгайтирилган шериклик формати амал қилаётган Марказий Осиёдаги ягона давлат бўлиб қолмоқда.

Иқтисодиёт анъанавий равишда икки томонлама ҳамкорликнинг асосий йўналиши бўлиб келмоқда. Гап сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва саноат кооперациясини чуқурлаштириш ҳақида бормоқда. Бош вазир Андрей Бабиш ҳамкорликни, энг аввало, савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга қаратилган кун тартиби билан келди.

Устувор тармоқлар орасида транспорт, саноат, авиация, мудофаа саноати мажмуаси ва муҳим инфратузилмани ажратиб кўрсатиш мумкин. Энергетика, қишлоқ хўжалиги ва ҳамкорликни кенгайтириш учун амалий асос мавжуд бўлган бошқа қатор йўналишларда ҳам кенг имконият мавжуд. Ташриф доирасидаги музокаралар айнан шу соҳалардаги ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилиши кутилмоқда.

***— Сўнгги пайтларда Ўзбекистон ва Чехия меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилмоқда. Хусусан, виза квотаси аллақачон ажратилган ва Чехия томони Ўзбекистондан тиббиёт мутахассисларини жалб қилишга қизиқиш билдирмоқда. Тошкентда бўлиб ўтадиган музокаралар кун тартибига ушбу мавзуни киритиш режалаштириляптими?***

— Бу ҳақиқатан ҳам муҳим мавзу. Биз тиббиёт ходимларининг меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда етакчи мамлакатлар тажрибасини катта қизиқиш билан ўрганмоқдамиз. Хорижий бозорлар талабларини ҳисобга олган ҳолда тиббиёт кадрларини тайёрлаш бўйича Ўзбекистон тажрибаси алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Менга маълум бўлишича, Чехия Бош вазири ташрифи дастурида тиббиёт ходимларини тайёрлаш, жумладан, чет тилларни ўрганиш ва хорижда ишлашга мослашишга қаратилган ихтисослаштирилган ўқув марказлари билан танишиш кўзда тутилган.

Очиқ айтиш керакки, Чехиядаги демографик тенденциялар парваришлаш ва тиббиёт соҳасида малакали кадрларга барқарор талабни шакллантирмоқда. Кекса аҳоли улуши ортиши объектив равишда соғлиқни сақлаш тизимининг кадрлар салоҳиятини кенгайтиришни тақозо этади.

***— Чехия компаниялари нуқтаи назаридан Ўзбекистондаги ҳозирги инвестиция муҳитини қандай баҳолайсиз? Чехия бозорига киришдан манфаатдор бўлган ўзбекистонлик тадбиркорлар учун, жумладан, “CzechInvest” агентлиги орқали қандай қўллаб-қувватлаш воситалари мавжуд?***

— Бу ҳам икки томонлама ҳамкорлигимизнинг асосий йўналишларидан биридир. Чехия компаниялари Ўзбекистондаги инвестиция имкониятларига тобора кўпроқ қизиқиш билдирмоқда. Бундай динамика табиий: мамлакатда инвестиция муҳити изчил такомиллашиб бормоқда, иқтисодий ислоҳотлар эса хорижий инвесторлар, жумладан, чех бизнеси учун янада шаффоф ва башорат қилинадиган шароитларни яратмоқда.

Чехия компанияларини ўзига жалб қиладиган омиллар орасида макроиқтисодий барқарорлик, барқарор ўсиш суръатлари, шунингдек, Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар бозорларига чиқиш имконини берувчи қулай геостратегик жойлашувини алоҳида таъкидлаш мумкин. Шу билан бирга, Чехия бизнесининг катта қисми учун Ўзбекистон бозори нисбатан янги эканини ҳисобга олиш керак.

Бош вазир Андрей Бабиш ташрифининг муҳим элементи саноат инфратузилмаси билан танишиш, жумладан, технопаркка ташриф буюриш бўлади.

Ўзбекистон компанияларининг Чехияга киритаётган инвестицияларига келсак, улар албатта қўллаб-қувватланади. Ўзбекистоннинг Чехиядаги элчихонаси очилиши кучайтирилган савдо-иқтисодий блок билан ушбу йўналишга қўшимча туртки беради. Бу ўзбек бизнесининг Чехия ва Европа бозорларига чиқишини янада самарали қўллаб-қувватлаш имконини яратади.

Ўзбекистон компаниялари муҳим тармоқ тадбирларида фаол иштирок этаётгани диққатга сазовор. Хусусан, Брно шаҳрида ҳар йили энг йирик халқаро машинасозлик кўргазмаси ўтказилиб, унда сўнгги йилларда Ўзбекистон миллий павильони билан қатнашмоқда.

Стандартлаштириш ва метрология соҳасидаги ҳамкорлик ривожини алоҳида таъкидлаш жоиз. Тегишли идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги замонавий лабораторияларни жиҳозлаш ва илғор техник регламентларни жорий этишга



хизмат қилади. Бу амалий аҳамиятга эга: маҳсулотларни Европа сифат стандартларига мослаштириш ўзбек товарларининг Европа Иттифоқи, жумладан, Чехия бозорига киришини сезиларли даражада осонлаштиради.

Умуман олганда, бугунги кунда Ўзбекистон бозорига чиқаётган чех компаниялари учун ҳам, Чехияда ишлашдан манфаатдор бўлган ўзбек корхоналари учун ҳам бизнесни қўллаб-қувватлашнинг кенг кўламли воситалари ишга туширилган.

Алоҳида таъкидлашни истардимки, Чехия Бош вазири ташрифининг муҳим ва ажралмас қисми Чехия — Ўзбекистон бизнес форуми бўлиб, у делегациянинг амалий ташриф дастурини очади. Айнан шу майдондан икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасида мазмунли мулоқот бошланади.

Бош вазир бортида Чехиянинг энергетика, транспорт, мудофаа саноати, қишлоқ хўжалиги ва бошқа муҳим тармоқларда фаолият юритувчи етакчи компаниялари раҳбарларидан иборат нуфузли гуруҳ ташриф буюрмоқда. Улар учун ўзбекистонлик ҳамкорлар билан икки томонлама учрашувлар муҳим аҳамият касб этади.

Инвестиция кун тартиби нуқтаи назаридан, ишлаб чиқилаётган энг йирик лойиҳалардан бири алоҳида эътиборни тортади. Гап нафақат Ўзбекистон темир йўллари учун электропоездлар етказиб беришни, балки Ўзбекистон ҳудудида қўшма ишлаб чиқаришни ташкил этишни ҳам кўриб чиқаётган “Škoda Transportation” компанияси ҳақида бормоқда. Дастлабки босқичда ҳаракат таркибини йиғиш, кейинчалик ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва қўшни давлатларга экспорт қилиш режалаштирилган.

Шу билан бирга, Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия механизмини модернизациялаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Чехия томони анъанавий равишда июнь ойида бўлиб ўтадиган Тошкент халқаро инвестиция форумида бизнеснинг фаол иштирокини режалаштирмоқда.

***— Қишлоқ хўжалигининг Ўзбекистон учун аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда Чехия технологияларини жорий этиш, хусусан, сувни тежаш, сувни тозалаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида ҳамкорлик салоҳияти қандай?***

— Саволингиз ўринли. Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги алоқалар Ўзбекистон билан ҳамкорлик кун тартибида муҳим ўрин тутади ва устувор йўналишлардан бири сифатида қаралади.

Чехия томони қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳасида катта тажриба ва технологик ечимларга эга.

Энергия ва ресурстежамкор технологияларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Гап бир вақтнинг ўзида электр энергияси ва иссиқлик ишлаб чиқаришни таъминлайдиган когенерация қурилмалари ҳақида бормоқда. Бундай тизимлар қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик чиқиндиларидан олинадиган биогазда ишлаши мумкин. Бу эса уларни экологик жиҳатдан барқарор ечимга айлантиради. Улар, айниқса, иссиқхона хўжаликларида талабга эга бўлиб, харажатларни оптималлаштирган ҳолда йил давомида ишлаб чиқаришни таъминлаш имконини беради.

Суғориш ва сувни тежаш тизимлари ҳам муҳим йўналиш бўлиб қолмоқда. Марказий Осиё минтақаси учун сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш стратегик аҳамиятга эга.

Қўшимча истиқболлар қишлоқ ва чекка ҳудудларни энергия билан таъминлашга қаратилган кичик гидроэлектр станцияларни жорий этиш билан боғлиқ.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги соҳаси технологик алмашинувдан тортиб, қўшма лойиҳаларни амалга оширишгача бўлган ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун кенг имкониятлар эшигини очади.

***— Тошкент, Прага ва Карлови Вари ўртасида тўғридан тўғри авиақатновлар тикланиши туризмни ривожлантириш учун янги имкониятлар очмоқда. Сайёҳлик алмашинуви истиқболларини қандай баҳолайсиз?***

— Тошкент — Прага — Тошкент ва Тошкент — Карлови Вари — Тошкент йўналишлари бўйича кетма-кет учинчи йил мавсумий авиақатновлар йўлга қўйилаётганини мамнуният билан қабул қиламиз. Сўнгги йиллар амалиёти кўрсатмоқдаки, ушбу рейслар мамлакатлар ўртасидаги алоқаларнинг барқарор динамикасини шакллантириб, ўзаро сайёҳлик ва ишбилармонлик оқимлари ўсишига сезиларли ҳисса қўшмоқда.

Чехия анъанавий равишда Ўзбекистон фуқаролари учун жозибадор йўналиш бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон ҳам чех сайёҳлари учун истиқболли йўналиш сифатида ўз мавқеини ишонч билан мустаҳкамлаб бораётганини мамнуният билан қайд этамиз. Бундан ташқари, гап нафақат Самарқанд, Бухоро ва Хивага ташриф буюрадиган анъанавий йўналишлар ҳақида, балки мамлакатнинг табиий ландшафтларига қизиқиш ортиб бораётгани ҳақида ҳам бормоқда.

Айниқса, экотуризмни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Анъанавий равишда фаол дам олиш ва табиат йўналишларига йўналтирилган чех сайёҳлари учун Ўзбекистон бу соҳада таклиф этаётган янги имкониятлар катта қизиқиш уйғотмоқда.

Сайёҳлик алмашинувини қўллаб-қувватлаш мақсадида Чехия томони Ўзбекистонда ўтказиладиган тегишли кўргазма ва ярмаркаларда мунтазам иштирок этиб келмоқда. Бундан ташқари, мамлакатда Чехия сайёҳлик компанияси ваколатхонаси аллақачон очилган бўлиб, бу Чехияни йўналиш сифатида янада фаол тарғиб қилишга ёрдам беради.

Ўз навбатида, биз ҳам худди шундай қадамлардан — Чехияда Ўзбекистон сайёҳлик операторлари ваколатхоналари очилишидан манфаатдор бўлардик. Бу Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини Чехия бозорида тизимли равишда тарғиб қилиш ва сайёҳлар оқимини янада рағбатлантириш имконини беради.

**“Дунё” АА**

**Стратегик мақсад сифатида 2030 йилга бориб солиқ тушумларини 491,5 триллион сўмга етказиш ва иқтисодиётдаги норасмий сектор улушини 28 фоиздан 19,6 фоизгача қисқартириш белгиланган.**

www.yuz.uz   yuz.uznews   yuz_official   yuz.uz_news   yuz.uz_news

**Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!**

# УМУМХАЛҚ БИРДАМЛИГИ ИФОДАСИ, МИЛЛИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ СТРАТЕГИК КАФОЛАТИ



**Нодир ЖУМАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**

**Бошланиши 1-бетда**

Кейинги беш йилда давлат корхоналари сонининг 60 фоиз қисқаргани ислоҳотлар динамикаси сезиларли даражада тезлашганини англатади. Хусусан, ўтган йилда қарийб 30 триллион сўмлик давлат активларининг хусусий секторга ўтказилиши ва бюджетга 10 триллион сўмдан ортиқ тушум келиб тушгани ушбу жараённинг фискал самарасини намоён этади. Шу билан бирга, ер участкаларини сотишдан 6 триллион сўмлик маблағ шаклланганi активларни бозор механизмлари орқали тақсимлаш амалиёти кенгайиб бораётганини кўрсатади.

Хусусийлаштиришдан манфаатдорлик тизимининг жорий этилиши мазкур жараённинг институционал сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Жумладан, вилоятлар даражасида 2,6 триллион сўм, маҳаллалар миқёсида эса 7 миллиард сўм маблағ қолдирилгани хусусийлаштиришнинг фақат макроиқтисодий эмас, балки ижтимоий дивидендларини ҳам шакллантираётганини англатади. Бу ёндашув ҳудудий манфаатдорликни кучайтириш орқали ислоҳотларнинг “қабул қилиниш даражаси”ни оширишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, хусусийлаштириш жараёнини янада жадаллаштириш, айниқса, зарар кўриб келаётган корхоналарни бозор механизмларига ўтказиш стратегик заруратга айланмоқда. Бироқ бу жараён шошма-шошарлик билан эмас, балки аниқ мезонлар асосида — активларнинг бозор қийматини тўғри баҳолаш, очиқ ва шаффоф савдоларни таъминлаш, хусусий инвесторларнинг узоқ муддатли мажбуриятларини белгилаш орқали амалга оширилиши лозим. Акс ҳолда, хусусийлаштириш қисқа муддатли фискал манфаатларни таъминлаши мумкин, лекин узоқ муддатли иқтисодий самарадорликка эришишни кафолатламайди.

Давлат активларини бошқариш самарадорлигини оширишда муҳим чекловлардан бири таҳлил ва қарор қабул қилиш жараёнида замонавий рақамли воситалар ҳамда сунъий интеллект имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаётганидир. Амалдаги тизимларда маълумотлар тарқоқ ҳолда сақланиши, реал вақт режимида мониторинг чеклангани ва инсон омилига юқори боғлиқлик активларни бошқариш самарадорлигини пасайтиради. Шу нуқтаи назардан, Давлат активларини бошқариш агентлигида махсус рақамли технологиялар лойиҳа офисини ташкил этиш ташаббуси институционал жиҳатдан муҳим қадамдир.

Таклиф этилаётган ёндашув доирасида хусусийлаштириш жараёнини тўлиқ рақамлаштириш, барча босқични онлайн кузатиш ва маълумотларни ягона платформада жамлаш кўзда тутилади. Сунъий интеллект элементларини жорий этиш орқали давлат корхоналарининг молиявий ҳолатини автоматик таҳлил қилиш, рискларни эрта аниқлаш ва тушумларни тақсимлашда оптимал қарорлар қабул қилиш имконияти яратилади. Бу эса, ўз навбатида, инсон омили таъсирини қисқартириш, шаффофликни ошириш ва коррупциявий хавфларни минималлаштиришга хизмат қилади.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш масаласида ҳам рақамли ёндашувларни кучайтириш зарурати яққол кўзга ташланмоқда. Хусусан, E-auksion, Yerelektron, Shaffof qurilish ва UzKAD ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали ер участкаларининг ҳақиқий ҳолатини комплекс баҳолаш имконияти пайдо бўлади. Бу орқали фойдаланилмаётган ёки самарасиз ишлатилаётган ерларни аниқлаш, қайта тақсимлаш ва иқтисодий айланмага жалб қилиш механизмларини кучайтириш мумкин. 2022-2025 йилларда тадбиркорларга ажратилган 11,4 минг гектар ернинг 3,1 минг гектарида иқтисодий фаолият тўлиқ йўлга қўйилмагани ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун рақамли назоратни мустаҳкамлаш заруратини яна бир бор тасдиқлайди.

Шу билан бирга, йирик давлат активларини хусусийлаштиришга тайёрлаш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, “UzAuto Motors” ва “Navoiyazot” каби саноат гигантлари, шунингдек, иссиқлик электр станциялари каби стратегик инфратузилма объектларини бозор механизмларига босқичма-босқич ўтказиш режалаштирилмоқда. Бу жараён, бир томондан, хусусий сектор улушини ошириш ва рақобат муҳитини кучайтиришга хизмат қилса, иккинчи томондан, илғор технологиялар ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали тармоқларни модернизация қилиш имконини беради.

Ҳудудларда давлат мулкидан самарали фойдаланиш ва фаолиятдан четда қолган ресурсларни иқтисодий айланмага жалб қилиш масаласи иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бирига айланмоқда. Бу борада давлат кўчмас мулкини ягона бошқарув тизимига ўтказиш ҳамда маъмурий бинолардан фойдаланиш самарадорлигини қайта кўриб чиқиш таклиф этилмоқда. Хусусан, бир ходимга тўғри келадиган ўртача майдонни 27 квадрат метрдан 12-15 квадрат метргача қисқартириш ташаббуси ресурслардан рационал фойдаланиш нуқтаи назаридан асослидир.

Мазкур ёндашув орқали 4,9 миллион квадрат метрга яқин майдонни иқтисодий айланмага киритиш имконияти пайдо бўлади. Бу, ўз навбатида, бўш турган биноларни ижарага бериш ёки сотиш орқали қўшимча даромад манбаларини яратиш, шунингдек, уларни сақлаш ва коммунал хизматлар билан боғлиқ харажатларни қисқартиришга хизмат қилади. Бироқ бу ерда муҳим жиҳат, бундай майдонларнинг бозордаги реал талабга мос равишда таклиф қилиниши ва уларнинг самарали фойдаланилишини таъминлаш механизмларининг ишлаб чиқилганидадир. Акс ҳолда, активлар қоғозда айланмага киритилган, амалда эса фойдаланилмаётган ҳолатда қолиб кетиши мумкин.

Ер ресурсларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишда ҳам янги ёндашув шаклланмоқда. Ер майдонларини фақат рухсат берувчи ҳужжатлар билан эмас, балки тайёр бизнес лойиҳаси билан бирга аукционга чиқариш амалиёти жорий этилаётгани инвестиция жараёнларининг самарадорлигини оширишга қаратилган. Бу модель ерни шартли ресурсдан тайёр иқтисодий активга айлантиради. Шу билан бирга, яна 100 минг гектар экин ерини янги тизим асосида аукционга чиқариш режаси аграр секторда бозор механизмларини чуқурлаштиришга хизмат қилади.





Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳудудий иқтисодиётни диверсификация қилиш мақсадида туризм ва агросаноат йўналишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ҳар бир туманнинг туристик салоҳиятини ошириш, шунингдек, вилоятлар кесимида камида 5 тадан йирик саноатлашган мева-сабзавот плантациясини ташкил этиш бўйича белгиланган вазифалар ҳудудларда янги қиймат занжирларини шакллантиришга хизмат қилиши мумкин. Бироқ бу ерда асосий масала мазкур лойиҳаларнинг бозор талабига мослиги ва логистика, қайта ишлаш ҳамда экспорт инфратузилмаси билан қанчалик уйғунлашганидадир.

Ресурслардан самарали фойдаланиш ва иқтисодий фаолликни кенгайтириш солиқ базасининг ўсишига бевосита таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, солиқ тизимидаги ислоҳотлар янги Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг марказий элементларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Сўнгги икки йилда солиқ ислоҳотлари ҳисобига бюджет тушуми иқтисодий ўсиш суръатига нисбатан тезроқ ошмоқда. Бу ҳолат солиқ маъмурчилигининг такомиллашуви ва яширин иқтисодиёт улушининг қисқараётгани билан изоҳланади. Буни Халқаро валюта жамғармаси ҳам ўз баҳоларида қайд этган.

Стратегик мақсад сифатида 2030 йилга бориб солиқ тушумларини 491,5 триллион сўмга етказиш ва иқтисодиётдаги норасмий сектор улушини 28 фоиздан 19,6 фоизгача қисқартириш белгиланган. Яширин иқтисодиётнинг юқори даражада сақланиб қолиши нафақат бюджет даромадларини чеклайди, балки бозорда адолатли рақобат муҳитини ҳам издан чиқаради. Норасмий фаолият юритаётган субъектлар солиқ юкидан қочиш орқали сунъий афзалликка эга бўлади. Бу эса самарали ва шаффоф ишлаётган бизнес субъектлари учун тенгсиз шароит яратади.

Шу боис, яширин иқтисодиётни қисқартиришга фақат фискал вазифа эмас, балки рақобат сиёсатининг ажралмас қисми сифатида қаралиши лозим. Бу йўналишда маъмурий назоратни кучайтириш билан бирга бизнес юритишни соддалаштириш, солиқ юкини оптималлаштириш ва иқтисодий фаолиятни “соядан чиқиш”га рағбатлантирувчи институтларни шакллантириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари биринчи чорак таҳлилига бағишлаб ўтказилган йиғилишда рақамли таҳлил ва сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиб, “ақлли” назорат тизимини жорий этиш орқали жорий йилда бюджетга қўшимча 30 триллион сўм тушумни таъминлаш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Йиғилишда стратегик бўлмаган йирик солиқ тўловчиларга ҳудудларда хизмат кўрсатиш масаласи кўтарилди. 209 мингта ҚҚС тўловчи солиқ органларидан узоқда жойлашгани хизмат сифатини пасайтирмоқда. Ечим: стратегик бўлмаган 500 та корхона назоратини вилоят даражасига, 103 мингдан зиёд қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш корхонасини туман даражасига ўтказиш. Бу ёндашув солиқ тўловчиларга жойида хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, муаммоларни тезкор ҳал қилиш ва назорат самарадорлигини кучайтиришга хизмат қилади.

Тадбиркорлар учун солиқ маъмурчилигидаги асосий муаммолар сўров натижаларига кўра аниқланди: текширувларнинг мураккаблиги, ҳисобот топширишнинг оғирлиги ва солиқ тўлаш жараёнларидаги номаъқулликлар. Муаммоларни ечиш учун қатор ташаббуслар кўзда тутилган:

— “Автокамерал” назоратни жазолаш воситасидан профилактика тизимига айлантириш (хатони барвақт аниқлаш ва тузатиш);

— корхоналарни хавф даражасига қараб “яшил”, “сариқ” ва “қизил” тоифаларга ажратиб ишлаш;

— 6 турдаги ҳисоботни инсон аралашувисиз автоматик шакллантириш;

— ягона солиқ ҳисобварағига ўтиш орқали хатоликларни камайтириш.

Янги тизим жорий этилса, тадбиркорлар 8,4 триллион сўм тежаши мумкин. Текширувлар сони камаяди, ҳисоботлардаги хатолар кескин қисқаради, мурожаатларни кўриб чиқиш тезлашади ва колл марказлар фаолияти яхшиланади. Бу нафақат тадбиркорлар учун қулайлик, балки солиқ органлари имижини ижобий томонга ўзгартиришнинг амалий йўлидир.

Ҳар қандай тизимнинг самарадорлиги пировардида одамларга боғлиқ. Солиқ органлари учун кадрлар масаласи энг асосий муаммо сифатида белгиланди. Сўнгги йилларда кадрлар қўнимсизлиги ошган. Ходимларнинг малакасини ошириш даражаси пастлиги, моддий рағбатлантириш тизими замон талабларига жавоб бермаслиги, ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмлари етарли эмаслиги муаммоларни тизимли тарзда кўрсатмоқда. 2022 йилда 3000 дан ортиқ ходим малака оширган бўлса, ўтган йили бор-йўғи 700 нафари қайта ўқитилган. Бу кескин пасайиш ташвиш уйғотади.

Солиқ академиясининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрларни моддий ва ижтимоий рағбатлантириш, узлуксиз таълим тизимини йўлга қўйиш солиқ тизимини кўпроқ “сервис ташкилоти”га айлантириш стратегиясининг таркибий қисмидир.

Банк-кредит тизимининг таҳлили мамлакатимиздаги иқтисодий фаоллик динамикасини аниқ кўрсатади.

Тадбиркорлик сегментида саноат тармоғи 140,8 триллион сўм билан энг йирик кредит истеъмолчиси бўлса-да, кредит ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 13,5 триллион сўм камайган. Аксинча, қишлоқ хўжалиги соҳасида кредитларга талаб кескин ортган. Соҳа қарздорлиги 12,2 триллион сўм кўпайиб, жами 62,1 триллион сўмни ташкил этди. Бу агросаноат секторини ривожлантиришга давлат эътибори кучайгани билан боғлиқ.

2026 йил 1 апрель куни Ўзбекистон ҳукумати глобал молия майдонида ниҳоятда муҳим битимни имзолади. Мамлакатимиз эквивалент ҳисобида 1 миллиард долларга тенг сўмдаги суверен халқаро облигацияларини муваффақиятли жойлаштирди. Ушбу амалиёт миллий валютадаги қарз жалб қилиш тарихида энг паст — йиллик 12,25 фоиз ставка билан қайд этилди.

Эмиссия жараёнида халқаро инвесторлар томонидан мисли кўрилмаган талаб кузатилди. АҚШ, Европа, Буюк Британия ва Осиёнинг 50 га яқин йирик инвестиция компанияларидан жами 23,4 триллион сўмлик аризалар келиб тушди. Бу кўрсаткич ҳукумат таклиф этган дастлабки миқдордан деярли тўрт баравар кўп, талабдан ортиқ обуна нисбати 4:1. Бу давлатга ставкани сезиларли пасайтириш имконини берди.

Тарихий таққослаш: 2024 йилда 3 йиллик облигациялар 16,625 фоиз ставкада, 2025 йилда 15,5 фоиз ставкада чиқарилган эди. 2026 йилда 12,25 фоиз. Бу ставкадаги тизимли тушиш инвесторларнинг Ўзбекистон иқтисодий барқарорлигига ишончи ортаётганидан далолат беради. Ушбу битим Марказий ва Шарқий Европа ҳамда Африка давлатлари орасида миллий валютадаги қоғозларни жойлаштириш ҳажми бўйича сўнгги 15 йилдаги энг йирик кўрсаткич бўлди.

Жалб этилган маблағлар бюджет тақчиллигини молиялаштиришга йўналтирилади. 2026 йилда бюджет тақчиллиги 60,1 триллион сўм бўлиши ва ЯИМнинг 3 фоизидан ошмаслиги белгиланган. Келгусида GBI-EM индексига кириш режалаштирилмоқда. Бу 300 миллиард долларлик активларни бошқарувчи янги инвесторлар гуруҳини жалб қилиш ва давлат қарзи харажатларини янада камайтиришга хизмат қилади.

2026 йил учун мўлжалланган давлат дастурида аниқ ва ўлчанадиган мақсадлар белгиланган. Мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 167 миллиард долларга етказилиши режалаштирилган. Иқтисодий ўсиш суръати 6,6 фоиз даражасида бўлиши кутилмоқда.

Инфляция 6-6,5 фоизгача туширилади, бюджет тақчиллиги ЯИМга нисбатан 3 фоиз миқдорида чекланади. Бу кўрсаткичлар халқаро стандартлар, хусусан, Халқаро валюта жамғармаси талаблари доирасида ва ривожланаётган иқтисодиётлар учун қабул қилинган меъёрлар доирасида. Иқтисодиётга 50,4 миллиард доллар хорижий инвестицияни жалб этиш кўзда тутилган.

Дастурда 1 миллион фуқарони доимий иш ўрни билан таъминлаш вазифаси қўйилган. Камбағалликни 2,8 фоизга, ишсизликни 4,5 фоизга тушириш режалаштирилган. 263 минг оилани камбағалликдан чиқариш чоралари кўрилади. Бу рақамлар нафақат иқтисодий, балки ижтимоий натижа кўрсаткичлари сифатида ҳам баҳоланиши лозим.

Хизмат кўрсатиш соҳаси 100 миллиард доллардан ошиши, қурилиш 11 фоиз ўсиб, 30 миллиард долларга етиши прогноз қилинмоқда. Мамлакатимиз бўйлаб қиймати 4 миллиард долларга тенг 3500 дан ортиқ янги хизмат кўрсатиш объектлари фойдаланишга топширилади.

2026 йилги дастур марказида маҳалла институти туради. Маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш учун 20 триллион сўм ажратилади. Маҳаллаларда 10 мингдан ортиқ ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳалари ишга туширилиб, улар орқали 100 мингта янги иш ўрни очилади.

Стратегик мақсад 3500 та маҳаллани ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантиришдир. Давлат органлари маҳаллдаги муаммоларни ҳал этиш учун 24/7 режимида онлайн назорат остида ишлайди. Маҳалла тизими ўзбекистонликлар учун ижтимоий хавфсизлик ва мутаносибликнинг беназир асосидир. Уни иқтисодий ривожлантириш воситасига айлантириш ноёб ва самарали ёндашув.

2030 йилга бориб ЯИМ ҳажмини 240 миллиард доллардан ошириш учун мустаҳкам пойдевор яратилиши кутилмоқда. Бу 2026 йилги кўрсаткичдан 44 фоиз ошиши иқтисодий ўсишнинг тезлашаётган траекториясини кўрсатади.

Биринчи чоракда юртимизга 3 миллионга яқин хорижий сайёҳ келди, туризм экспорти 1 миллиард 103 миллион долларни ташкил қилди. Бундай юқори натижага “туристик релокация” ҳам катта таъсир кўрсатаётгани таъкидланди. Глобал нотинчлик шароитида миллионлаб туристлар тинч, хавфсиз ва сифатли йўналишларни қидирмоқда. Мамлакатимиз бу имкониятни ушлаб туриши учун ҳар бир туманнинг туристик жозибадорлигини ошириш бўйича комплекс тавсиялар тайёрланиши зарурлиги белгиланди.

Электр энергиясидан самарали фойдаланиш мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида муҳим омил. Электр йўқотиши 20 фоиздан кўп бўлган 44 та тумандаги электр тармоқлари корхоналаридаги аҳвол танқид қилинди. Раҳбарлар алмаштирилиши, ўрнига ёш кадрлар қўйилиши ва йўқотишларни 2 баравар камайтириш бўйича KPI белгилаш зарурлиги қайд этилди. Умуман, тармоқ раҳбарлари ва ҳокимлар бу йил 5 миллиард киловатт электр ва 3,5 миллиард куб метр газни тежаши шартлиги таъкидланди.

Техника олийгоҳларида энергетика йўналиши бўйича 10 мингдан зиёд 3-4-курс талабалари таҳсил олмоқда. Уларни техника хавфсизлигига ўқитиб, дуал таълим асосида туман корхоналарида амалиёт ўташи ва энергия тежаш бўйича амалий ечимлар таклиф қилиши рағбатлантирилади. Бу ёндашув таълим — ишлаб чиқариш интеграциясининг амалий намунасидир.

Жорий йил мамлакатимиз нуфузли “Иқтисодий эркинлик индекси”да 14 поғона юқорилаб, илк бор “иқтисодиёти мўътадил эркин” давлатлар қаторидан жой олди. Бу нафақат рейтинг кўрсаткичи, балки мамлакатимизнинг хорижий инвестициялар учун жозибадорлиги, тадбиркорлик муҳити очиқлиги ва ҳуқуқий тизим барқарорлигининг халқаро тан олинишини билдиради.

Қарз олиш таннархини пасайтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, туризмни ривожлантириш ва халқаро лойиҳаларда иштирок этиш нуқтаи назаридан иқтисодий рейтинглар стратегик аҳамиятга эга. Давлат ушбу рейтингларни ошириш учун изчил ислоҳотлар ўтказмоқда.

Глобал зиддиятлар, логистика йўлакларидаги ўзгаришлар ва таъминот занжирларининг бузилиши бизга ҳам босим ўтказмоқда. Йил бошидан дунёда нефть нархи 40 фоиз ошди. Бу маҳаллий товарлар экспорти ва асосий истеъмол товарларининг импортида ташиш харажатларини 25-30 фоиз ошиши риски мавжуд дегани. Инфляция импорти ички нарх-навога 1 фоизгача қўшимча босимни юзага келтирмоқда.

Логистикадаги узилишлар туфайли биринчи чоракда қорамол импорти 2 баравар камайди. Ечим сифатида ҳаво транспортида ташиладиган наслли қорамол учун 4 миллион сўмгача субсидия, гўшт импортида транспорт харажатларининг ярмини қоплаш йўлга қўйилди. Иккинчи чоракда 45 минг тонна, йил якунигача жами 130 минг тонна гўшт импортини таъминлаш мақсади белгиланди. Муқобил транспорт йўлакларини кўпайтириш таклифи ташқи савдодаги ягона йўлак рискини камайтиришга хизмат қилади.

Инфляцияни фақат ташқи омилларга боғлаш масъулиятдан қочишдир. Ички ишлаб чиқариш ва товар таклифи инфляцияни бошқаришнинг асосий воситаси бўлиши лозим. Шунинг учун маҳаллий ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, таклифни кўпайтириш ва сунъий монополияга қарши кураш инфляция сиёсати марказида туради.

Давлатимизнинг халқаро нуфузи иқтисодий кўрсаткичлар ва сиёсий ислоҳотлар орқали мустаҳкамланиб бормоқда. Ўтган ҳафта Халқаро валюта жамғармаси эълон қилган ҳисоботда “юқори иқтисодий фаоллик орқали Ўзбекистон кучли ва барқарор иқтисодий ўсишни сақлаб қолаётгани” қайд этилди. Бу баҳо нафақат қўллаб-қувватлаш, балки халқаро кредитор ва инвесторлар учун сигнал вазифасини бажаради.

Давлат активларининг 30 фоизини халқаро фонд бозорларига чиқариш ва 13 та стратегик корхона бошқарувини “Franklin Templeton” компаниясига бериш, бу иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичи. Халқаро бошқарув стандартлари жорий этилиши корпоратив бошқарув сифатини оширади, шаффофликни таъминлайди ва стратегик инвестицияларни жалб қилишига шароит яратади.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги нишонланадиган 2026 йилда Ўзбекистон глобал иқтисодий аренада ўзини “иқтисодиёти мўътадил эркин” давлат сифатида илк бор расмий тан олдирди. Бу мавқе янги Ўзбекистон даврининг жадал ўзгаришларини жамлаган юксак эътирофдир.

Мустақиллик байрамини нишонлаш ва иқтисодий ислоҳотлар ўртасидаги муносабат юзаки қараганда аён кўринмас, аммо чуқур таҳлил байрам нишонлашнинг асосий ғоявий мазмуни ислоҳотлар натижалари, иқтисодий ўсиш ва аҳолининг турмуш сифати ошиши билан узвий боғлиқлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг энг кўп аҳолига эга, иқтисодий жиҳатдан энг фаол давлати сифатида минтақавий етакчилик мавқеини мустаҳкамламоқда. Яхши қўшничилик сиёсати, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш мамлакатнинг геосиёсий рискларини камайтириб, иқтисодий имкониятларини оширмоқда.

Ислоҳотлар мажмуасига қараганда, иқтисодий сиёсатда тизимли ёндашув устувор: хусусийлаштириш ва иқтисодиётда давлат улушини қисқартириш; солиқ тизимини “текширувдан — сервисга” трансформация қилиш; банк-кредит тизимини ривожлантириб, бандликни ошириш; рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ишлаб чиқариш, солиқ ва бошқарувга татбиқ этиш; маҳалла асосидаги инклюзив ривожланиш; суверен молиявий бошқарув ва бюджет интизоми; туризм, хизматлар ва экспортни диверсификациялаш.

Бу ёндашув бир-бири билан боғлиқ чораларнинг уйғун тизимини ташкил этади. Хусусийлаштириш бюджетни мустаҳкамлайди, солиқ маъмурчилигини яхшилаб, тушумларни оширади, рақамли воситалар шаффофликни таъминлайди ва маъмурий ресурслар чиқимини камайтиради, маҳалла ислоҳоти ижтимоий барқарорликни сақлайди. Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг тараққиёт салоҳиятини мустаҳкамловчи ягона механизмни ташкил этади.

Ҳа, бугун мамлакатимиз 240 миллиард доллар ЯИМга қараб боряпти. Бу мустақиллик тамалига қурилган, ислоҳотлар орқали мустаҳкамланган ва умумхалқ бирдамлигида ифода топган янги Ўзбекистоннинг стратегик тасвири.

Мустақиллик байрами шукуҳи ҳар куни ишлаётган тадбиркор, ўқиётган талаба, изланаётган олим, давлат хизматчиси амалиётида давом этади. Истиқлолимизнинг 35 йиллиги ўтмишни ёдга олиш билан бирга, истиқболни режалаштириш ва миллат сифатида бирлашишнинг буюк имкониятидир.

**Бугун “яшил” энергетикага ўтиш масаласи заруратга айланди. Дунё миқёсида юз бераётган иқлим ўзгаришлари, ресурслар танқислиги ва экологик муаммолар инсониятни тараққиётнинг янги моделини излашга ундамоқда.**





**Қўшилган қиймат маҳсулотни қайта ишлаш, сифатини яхшилаш, брендинг, логистика ва бошқа инновацион усуллар орқали амалга оширилади. Энг муҳими, қўшимча қиймат яратиш иқтисодий ўсиш ва даромадни кўпайтиришда асосий омил. Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 26 декабрда Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида иккинчи устувор йўналиш сифатида иқтисодиётни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш белгиланган.**

## Ресурсдан — натижага

# ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ ЗАНЖИРИ

Шу доирада қишлоқ хўжалигида қўшилган қиймат занжирини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2026 йил февраль ойида Сурхондарёга ташрифи давомида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Қизириқ, Узун ва Олтинсой туманларида мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини қайта ишлаш орқали қўшимча қиймат яратиш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бу ташаббуслар эса маҳаллий хўжаликлар ривожига



ва қишлоқ ҳудудлардаги даромадларни янада оширишга хизмат қиляпти.

Республикадаги оғир тоифали ҳудудлар қаторига киритилган Қизириқ туманида замонавий технологияларни қўллаш орқали етиштирилган маҳсулотлар ҳосилдорлигини ошириш, фермер ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан маҳсулотларни қайта ишлаш ва бозорда юқори қиймат билан сотиш, шунингдек, экспорт ва ички бозор учун маҳсулот турини кўпайтиришга эришилмоқда.

Туманда Бандихон илмий тажриба станцияси филиали бор. Салкам 500 гектар тажриба майдонида киви, олма, зайтун каби мевалар парвариш қилинади. Бу тажриба майдони қишлоқ хўжалигида илмий усуллар ва технологияларни кенг татбиқ этиш, маҳсулот ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш, шунингдек, қўшилган қиймат учун муҳим замин яратади.

Тумандаги Боғбонлар юрти маҳалласида мевали дарахтларнинг хориждан келтирилган серҳосил навларини етиштириш ва парваришлаш бўйича тажриба ўтказилмоқда. Бу қўшилган қиймат яратишнинг инновацион усули сифатида аҳамиятли. Чунки серҳосил навлар маҳаллий шароитга мослаштирилади ва ҳосилдорлик юқори бўлади. Маҳсулот турини кўпайтириш ва бозорда юқори қиймат билан сотиш имконини беради.

Зайтун — фойдали сервитамин мева берадиган дарахт. Минтақамизда зайтуннинг табиий шароитга мослашиши ўта қийин ҳисобланган. Лекин олимларимиз тажриба майдонларида ўтказган тадқиқотлар зайтуннинг юртимизда ҳам юқори ҳосил беришини исботлади.

— Зайтун нафақат соғлиқ учун фойдали, балки қишлоқ хўжалигида қўшилган қиймат яратишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки зайтундан қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин. Унинг меваси витаминларга бой ва саломатлик учун муҳим антиоксидантларга эга. Бир сўз билан айтганда, кони фойда, — дейди Бандихон илмий тажриба станциясининг Қизириқдаги филиали агрономи Шерали Ҳайитов. — Станциямизда ўтказилган илмий тадқиқот ва тажрибалар, зайтунни маҳаллий шароитга мослаштириш бўйича ҳаракатларимиз ўз самарасини берди. Дастлабки натижаларимиз ҳам ёмон эмас. Жорий йилда Сурхондарё вилоятида мева-сабзавотни қайта ишлашни 16 фоизга етказиш режалаштирилган. 2025 йилдаги ялпи ҳудудий маҳсулотда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва ишлаб чиқариш ҳажми 42,2 триллион сўмни ташкил этган. Жорий йилда ялпи ҳудудий маҳсулот 103,5 фоиз ўсиши кутиляпти.

Сурхондарёда лимончилик, узумчилик, хурмо ва анжир каби мевачиликни ривожлантириш мақсадида амалий чора-тадбирлар кўрилди. Хусусан, фуқароларга хурмонинг серҳосил навлари кўчатлари тарқатилди. Бу ташаббус орқали ҳосилдорлик оширилади, маҳсулотнинг бир қисмини қайта ишлаш ва экспортга йўналтириш орқали қўшилган қиймат яратилади.

Узун туманининг Янги куч маҳалласида хурмочиликка ихтисослашувни чуқурлаштириш мақсадида махсус тадбирлар кўрилди. “Битта маҳалла, битта кўча, 40 та хонадон” тамойили асосида Маданият кўчасидаги хонадонлар хатловдан ўтказилиб, хурмо ва анжирга бўлган талаб ўрганилди.

— Маҳалламизда 40 та хонадон танлаб олинди. Шахсий томорқаларда агрономлар томонидан тупроқ ва сув таҳлиллари ўтказилди. Фуқароларга 1320 туп хурмо кўчати экиб берилди, — дейди “Янги куч” МФЙ раиси Камол Ёқубов.

Узун туманида хурмо ва анжир етиштиришни ривожлантириш мақсадида Мирзоҳид Мадраҳимов хонадонида “Хонадон мактаби” ташкил этилган. Ҳозирги кунга унда 300 дан ортиқ фермер, деҳқон хўжаликлари раҳбарлари, томорқа ер эгалари хурмо ва анжирни тўғри парваришлаш, ҳосилдорликни ошириш ва қўшилган қиймат яратиш бўйича ўқитилди. “Хонадон мактаби”да малака оширган фуқаролар эгаллаган билим ва кўникмаларини ўз томорқалари ва маҳалласида жорий этмоқда. Бу ижобий тажрибани бошқа туманларда ҳам босқичма-босқич қўллаш механизми йўлга қўйилди.

> **Узун туманининг Янги куч маҳалласида хурмочиликка ихтисослашувни чуқурлаштириш мақсадида махсус тадбирлар кўрилди. “Битта маҳалла, битта кўча, 40 та хонадон” тамойили асосида Маданият кўчасидаги хонадонлар хатловдан ўтказилиб, хурмо ва анжирга бўлган талаб ўрганилди.**



Узун туманида маҳсулот етиштиришдан тортиб, экспортгача занжир яратиш мақсадида миллий бренд остида хурмо боғи ва анжир плантацияси яратиш ҳамда меваларни сақлаш учун улкан музлаткич ва қайта ишлаш учун қиймати 16 миллиард бўлган агрокомплекс лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бу ерда маҳсулотлар қайта ишланиб, қўшимча қиймат яратилади.

Маълумотга кўра, Сурхондарё воҳасида 2025-2026 йилларда 95 минг 480 туп хурмо ва анжир кўчати тарқатилган. 2026 йилда эса 100 гектар майдонда хурмо ва анжир плантацияси ташкил этилиши кўзланган. Бу ташаббус бандликни таъминлаш ва экспорт салоҳиятини оширишга ҳам хизмат қилади.

Олтинсой республикадаги 70 та оғир туман қаторига киради ва бу ҳудудларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман ва шаҳарлар” концепцияси асосида мева-сабзавот етиштириш ва қайта ишлашни ривожлантириш орқали қўшилган қиймат яратишга қаратилган лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда ушбу туманда 5,3 минг гектар узумзор мавжуд. Уларнинг 3,7 минг гектарида хўраки, 451 гектарида майизбоп, 1,5 минг гектарида саноатбоп узум етиштирилади. Бундан кўриниб турибдики, ҳудудда узумчилик сектори яхши ривожланган ва уни қайта ишлаш билан қўшимча қиймат яратиш имкониятлари катта. Масалан, саноатбоп навлар асосида узум шарбати, консервалар ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали маҳаллий иқтисодиётни ривожлантириш мумкин.

Олтинсой туманида яна бир тармоқ — иссиқхоначилик сектори тобора ривожланиб бормоқда. Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда туманда 45,2 гектар майдонда замонавий иссиқхоналар ташкил этилган. У ерларда корхона ва деҳқон, фермер хўжаликлари томонидан сабзавот етиштириш самарали йўлга қўйилган ҳамда иқлимга мос ҳосилдор навлар парваришланмоқда.

Иссиқхоначиликда қўшилган қиймат яратиш бир неча асосий йўналишга таянади. Яъни сабзавот ва мева асосида консерва, шарбат ҳамда бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали қиймат оширилади. Бундан ташқари, иқлимга мос навларни парваришлаш, технологияларни жорий қилиш ва замонавий ишлаб чиқариш усулларини қўллаш билан ҳосилдорлик ва маҳсулот сифатини яхшилашга эришилади. Бу жараёнлар эса Олтинсойдаги иссиқхоначиликни нафақат маҳсулот етиштириш, балки қайта ишлаш ва қўшимча қиймат яратишнинг муҳим драйверига айлантирмоқда.

Олтинсой туманида жами 853 та фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Уларнинг 110 таси боғдорчиликка, 161 таси боғдорчилик ва узумчиликка, 404 таси махсус узумчиликка, 16 таси сабзавот ва полиз етиштиришга, 26 таси эса сабзавот етиштиришга ихтисослаштирилган. Бундан кўриниб турибдики, туманда узумчилик ва боғдорчилик сектори асосий ўринни эгаллайди ва маҳаллий иқтисодиётнинг устун йўналиши сифатида намоён бўлмоқда.

Туман йилига 26,5 минг тонна узум ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш имкониятига эга. Бунинг учун 3 та корхона фаолият юритмоқда. Бу эса фермерлар томонидан етиштирилган маҳсулотлар қийматини ошириш ва бозорда янада юқори нарх билан сотиш имконини яратади. Шу билан бирга, узум ва сабзавотни қайта ишлаш қуввати бу неъматларнинг фақат хомашё эмас, балки тайёр маҳсулот шаклида қўшилган қиймат билан бозорга чиқишини таъминлайди.

Тоғли Олтинсой туманида 2,7 минг гектар томорқа мавжуд. Мингчинор маҳалласида узумчилик драйвер сифатида танланган ва майиз етиштириш йўлга қўйилди. Айтиш керак, қишлоқларда анъанавий ҳолда меҳнат кўп, лекин даромад нисбатан кам. Олдин хомашё етиштирилган ва унинг бозор қиймати доим арзон ҳисобланган. Энди эса олтинсойликлар қўшилган қиймат ярата бошлади. Мисол учун, Руштибек Турдиев оиласи 2025 йилда 100 тонна майиз экспорт қилди ва катта даромадга эришди.

Мева-сабзавот ва узумчиликда қўшилган қиймат яратиш тажрибаси кўрсатадики, агар молиявий ресурслар самарали йўналтирилса ҳамда илм ва замонавий технология қўлланилса, маҳаллий маҳсулотдан миллий бренд яратиш мумкин. Бу жараён оддий қишлоқ хўжалиги лойиҳаси эмас, балки қишлоқни бойитиш орқали мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг амалий модели. Яъни йўлга қўйилган лойиҳалар фермер ва ишлаб чиқарувчиларнинг даромадини шакллантиради, илм ва технологияни қўллаш эса маҳсулот сифатини яхшилаб, қийматини оширади. Хусусан, жорий йилда Олтинсой туманида олиниши кутилаётган 58,1 минг тонна узумнинг 55-60 фоизи экспортга, 20 фоизи эса қайта ишлашга, яна 20 фоиз ҳосил ички истеъмол учун йўналтирилади.

Бу ташаббус мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, маҳсулот турини кўпайтириш ва экспорт занжирини шакллантиришга қаратилган бўлиб, аҳоли даромадини оширади, туман иқтисодий салоҳиятини кучайтиради ҳамда қишлоқ хўжалиги секторида қўшилган қиймат яратиш моделини амалиётга татбиқ этади.

**Сарвар ТЎРАЕВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Бугунги глобал тараққиёт даврида энергия инсоният ҳаётининг марказий масаласига айланди. Жаҳонда аҳоли сони ортиб, шаҳарлар кенгайиб, саноат ва рақамли технологиялар жадал суръатларда ривожланар экан, энергияга эҳтиёж ҳам муттасил ошиб бормоқда. Илгари электр таъминоти фақат ишлаб чиқариш ёки маиший қулайлик билан боғлиқ деб қаралган бўлса, бугун у миллий хавфсизлик, иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий фаровонликнинг ажралмас қисмига айланди. Бир қарашда кўзга ташланмайдиган рақамли жараёнлар — маълумотларни сақлаш, интернет тармоқлари фаолияти, электрон тўловлар, сунъий интеллект тизимлари — барчаси катта ҳажмдаги энергияга таянади. Демак, энергия энди фақат ресурс эмас, балки цивилизация ҳаракатини таъминловчи қон томирга айланди.**



## Мулоҳаза

# “ЯШИЛ” ЭНЕРГИЯ:

## ТАРАҚҚИЁТ ВА МАСЪУЛИЯТ ОРАСИДАГИ ТАНЛОВ

Бироқ тараққиётнинг бу шиддати табиат имкониятлари билан мувозанатда эмас. Асрлар давомида нефть, газ ва кўмир каби анъанавий манбаларга суяниб келган энергетика модели инсониятга саноат инқилоби ва иқтисодий ўсиш имконини берди. Аммо бу модель табиат захираларининг чеклангани ва экологик оқибатларни етарлича ҳисобга олмади. Атмосферага чиқарилаётган зарарли газлар, глобал иқлим ўзгариши, табиий офатлар сонининг ортиши — буларнинг барчаси энергия ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш маданияти билан боғлиқ. Эндиликда масала фақат энергияни кўпроқ ишлаб чиқаришда эмас, балки уни қандай манбадан, қандай тамойил асосида ва қандай масъулият билан ишлаб чиқаришда намоён бўлмоқда.

Дунёдаги кўплаб давлатлар аллақачон барқарор энергетикага ўтишни стратегик мақсад сифатида белгилаб олган. Юртимиз ҳам ушбу глобал жараёндан четда эмас. Қуёш ва шамол энергетикасини ривожлантириш, замонавий энергия тежамкор технологияларни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимизнинг келажакка ташлаётган қатъий қадамини кўрсатади. Барқарор энергетикага ўтиш шунчаки иқтисодий диверсификация эмас, балки экологик ҳалоллик, маънавий масъулият ва келажак авлод тақдирига бўлган юксак эътибор ифодаси.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида жорий йил учун экологик мувозанатни таъминлаш, “яшил” энергетикани ривожлантириш ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бешинчи устувор йўналиш сифатида белгилаб қўйилгани бежиз эмас. Бу, аввало, глобал иқлим ўзгариши, сув танқислиги ва энергия хавфсизлиги каби муаммолар тобора кескин тус олаётган ҳозирги шароитда мамлакатимиз олдида турган стратегик вазифалар аниқ ва пухта англанганидан далолат беради.

Чунки экологик барқарорлик масаласи энди фақат табиатни муҳофаза қилиш доирасидаги вазифа эмас. У иқтисодий ўсиш суръатлари, аҳоли фаровонлиги, қишлоқ хўжалиги самарадорлиги ва умуман, миллий хавфсизлик билан узвий боғлиқ масалага айланди. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, энергия ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи манбалар улушини ошириш, атмосферага чиқарилаётган зарарли чиқиндиларни қисқартириш — буларнинг барчаси мамлакат тараққиётининг узоқ муддатли пойдеворини мустаҳкамлашга қаратилган тизимли ёндашувдир.

Сўнгги йилларда бу йўналишда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Қуёш ва шамол электр станциялари қурилиши, энергия тежамкор технологияларни жорий этиш, саноат корхоналарида экологик стандартларни кучайтириш, сувни тежашга қаратилган инновацион ечимларни амалиётга татбиқ этиш шулар жумласидан. Энг муҳими, бу жараён бир марталик акция ёки вақтинчалик ташаббус эмас, балки аниқ стратегия ва узоқ истиқболга қаратилган давлат сиёсатига айланмоқда.

Бешинчи устувор йўналиш сифатида “яшил” тараққиётни белгилаш фақат бугунги эҳтиёжларни эмас, балки келажак авлодлар манфаатини ҳам ҳисобга олган ҳолда қабул қилинган қарор эканини кўрсатади. Зеро, барқарор энергетика ва экологик мувозанат иқтисодий юксалишнинг замонавий модели, маънавий масъулият ва цивилизацион танлов ифодасидир.



**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**

Кейинги беш йилда 6 минг мегаваттли қуёш, шамол ва гидроэлектр станциялар ишга туширилиши оддий инфратузилма кенгайиши эмас, миллий энергетика модели ўзгаришининг бошланишидир. Агар эътибор берсак, бу қувватлар мамлакатимиз умумий электр генерациясида “яшил” энергия улушини 30 фоизга етказди. Демак, ҳар уч киловатт-соат электр энергиясининг камида бири қайта тикланувчи манбалар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса энергетика тизимининг диверсификацияси, яъни манбалар хилма-хиллигини таъминлаш орқали хавфсизликни мустаҳкамлаш дегани.

Энергетика хавфсизлиги бугун фақат электр узилишларининг олдини олиш билан ўлчанмайди. У ресурслар, нархлар барқарорлиги ва ташқи омилларга боғлиқлик даражаси билан ҳам баҳоланади. Қайта тикланувчи энергия манбаларининг улуши ортиши табиий газ ва бошқа углеводород ресурсларига ички босимни камайтиради. Бу эса уларни қўшимча қиймат яратадиган тармоқларга йўналтириш ёки экспорт салоҳиятини ошириш имконини беради.

Яқинда 3,5 минг мегаваттли, қиймати 4 миллиард 200 миллион доллар бўлган янги “яшил” лойиҳаларга старт берилиши стратегик узвийликни кўрсатади. Бу инвестициялар нафақат электр ишлаб чиқариш ҳажмини оширади, балки мамлакатга илғор технологиялар трансфери, янги иш ўринлари ва муҳандислик мактаблари шаклланишига хизмат қилади. Энергетика соҳасидаги ҳар бир йирик лойиҳа атрофида қурилиш, логистика, хизмат кўрсатиш ва таълим тармоқлари ривожланади. Демак, “яшил” энергетика мультипликатив иқтисодий таъсирга эга.

Жорий йилнинг ўзида 7 миллиард куб метр табиий газ тежалиши режалаштирилаётгани алоҳида эътиборга лойиқ. Бу ҳажм айрим давлатларнинг йиллик истеъмолига тенг. Тежалган ресурс қўшимча иқтисодий имконият, бюджет барқарорлиги ва экспорт тушумлари ўсиши демакдир. Шу билан бирга, 11 миллион тонна зарарли чиқиндилар атмосферага чиқарилишининг олди олиниши экологик жиҳатдан улкан ютуқ. Бу нафақат иқлим ўзгаришига қарши кураш, балки аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, тиббий харажатларни камайтириш ва яшаш сифатини оширишга ҳам хизмат қилади.

Муҳими, бу жараён рақамлар ортида қолиб кетмаслиги керак. “Яшил” энергетикага ўтиш иқтисодий ҳисоб-китоблар билан бир қаторда цивилизацион ёндашувдир. Яъни мамлакат тараққиёти табиат билан қарама-қаршилик эмас, уйғунлик асосига боғланаётир. Энергия ишлаб чиқариш усули ўзгариши жамият тафаккури ўзгаришини ҳам талаб қилади: тежамкорлик маданияти, экологик масъулият ва узоқ муддатли фикрлаш шаклланади.

Бугун “яшил” энергетикага ўтиш масаласи заруратга айланди. Дунё миқёсида юз бераётган иқлим ўзгаришлари, ресурслар танқислиги ва экологик муаммолар инсониятни тараққиётнинг янги моделини излашга ундамоқда. Шу боис, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш фақат иқтисодий ислоҳот ёки технологик янгиланиш эмас, жамият тафаккуридаги чуқур ўзгаришдир.

Сўнгги йиллардаги кенг кўламли ишлар “яшил” тараққиётга ўтиш қатъий сиёсий ирода ва пухта стратегия асосида кечаётганини кўрсатмоқда. Қуёш ва шамол станциялари барпо этилиши, энергия самарадорлигини ошириш чоралари, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган дастурлар — буларнинг барчаси барқарор келажак пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, бу жараён иқтисодий манфаат билан экологик масъулиятни уйғунлаштиришга қаратилган.

“Яшил” энергетика табиатга эҳтиром, келажак авлод олдидаги бурч ва миллий манфаатларнинг узоқ муддатли ҳимоясидир. Тежалган ҳар бир куб метр газ, атмосферага чиқмай қолган ҳар бир тонна зарарли модда фақат рақам эмас, соғлом муҳит, барқарор иқтисод ва фаровон жамият сари қўйилган қадамдир.

**Сардор ТОЛЛИБОЕВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

# ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДАЛАРГА МЕЗБОНЛИК

Тараддуд

## ЁШЛАРИМИЗНИНГ ИЛМИЙ САЛОҲИЯТИ ВА ЮРТИМИЗНИНГ ТУРИСТИК ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ НАМОЁН ЭТАДИ

**Шу йилнинг 20-27 апрель кунлари Наманганда Абу Али ибн Сино номидаги иккинчи халқаро биология олимпиадаси бўлиб ўтди. Унда турли давлатлардан 100 нафарга яқин иқтидорли ўқувчи иштирок этди.**



Республика фан олимпиадалари маркази директори Тўрабой Шерматов сўзларига кўра, олимпиада икки босқичда ташкил этилди. Дастлаб молекуляр биология ва биоинформатика йўналишларида амалий иш топшириқлари бажарилган бўлса, иккинчи босқичда назарий билимлар синовдан ўтказилди. Беллашувни жами 11 та медаль (6 та бронза, 3 та кумуш, 2 та олтин) билан якунлаган Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари Муродбек Латипов ҳамда Нурсултон Аширалиев олтин медалга сазовор бўлди.




Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 30 сентябрдаги "Иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан ташкил этилган Фан олимпиадалари маркази иқтидорли ёшларни халқаро мусобақаларга тизимли тайёрлаш, терма жамоага номзод ўқувчилар учун халқаро стандартлар асосида кучайтирилган ўқув машғулотларини ташкил қилиш, тайёргарлик жараёнларига хорижий мураббийларни жалб этишга хизмат қилиб келяпти. Ёшлар халқаро муваффақиятларга эришишда ушбу марказга таянаётгани, алоҳида қўлловни ўз ҳаётида ҳис қилаётгани қувонарли.

— Олдинги сафар халқаро ёшлар табиий фанлар олимпиадасида қатнашиб, кумуш медаль олгандим. Яратиб берилаётган шароитлар, ота-онам, устозларим қўллови билан бу гал олтин медалга эришдим. Бироқ бу осон кечмади. Айниқса, лаборатория босқичи мавжуд салоҳиятимизни тўла ишга солишни талаб қилди. Ортимизда нуфузли беллашувга мезбонлик қилаётган, жонажон ватанимиз, халқимиз тургани учун ҳам ўзимизда ғолиблик учун катта куч топа олдик, — дейди Муродбек Латипов.

Нурсултон Аширалиев ҳам тайёргарлик жараёнида чекилган машаққатлар самара бергани, ҳаммаси шаффоф бўлганидан мамнун. У юртимизнинг нуфузли олимпиадаларга мезбонлиги нафақат таълимдаги муҳим воқелик, балки ёшларимизнинг илмий салоҳиятини кўрсатувчи имконият эканини алоҳида эътироф этди.

Тожикистондан келган олимпиада иштирокчиси Сулаймон Шарипов эса Ўзбекистонни, хусусан, Наманганни жуда сўлим, туристик манзил сифатида кашф этгани, олимпиада қатнашчилари учун барча зарур шароитлар ортиғи билан яратилганини айтди. У, шунингдек, меҳмондўстлик ва ташкилотчилик ишлари аъло даражада бўлгани, халқаро йирик тадбирларга мезбонлик ортидан Ўзбекистоннинг имижи ошиб бораётганини самимият билан гапирди.

Давлатимиз бугун ноёб иқтидор эгалари, илм-фанда ўсиш истагидаги ёшларни алоҳида қўллаб-қувватлаяпти. Изланувчан, интилувчан ўқувчиларга берилаётган бундай эътибор ва ўзбек ёшларининг халқаро олимпиадаларда эришаётган натижаларидан келиб чиқиб, 2026 йилда 58-халқаро кимё олимпиадасини ўтказиш Ўзбекистонга ишониб топширилди.

### Ишончни оқлаш йўлида

Мазкур олимпиадани июль ойида юқори савияда ўтказиш мақсадида ҳукуматнинг алоҳида фармойиши қабул қилинди. Олимпиаданинг амалий босқичи учун зарур жиҳозлар сотиб олинди. Чунончи, 2024 йил Саудия Арабистони, 2025 йил Бирлашган Араб Амирликларида бўлиб ўтган 56- ва 57-халқаро кимё олимпиадаларига Ўзбекистон делегацияси ҳам ташриф буюриб, халқаро олимпиадани ташкил этиш бўйича амалий тажрибаларни чуқур ўрганган эди.

Айни пайтда олимпиаданинг халқаро стандартларга мос расмий веб-сайти, логотипи тайёр. Расмий ҳужжатлар, олимпиадада иштирок этадиган делегациялар ҳамда халқаро ҳамкорлар билан мулоқот қилиш учун махсус ахборот платформаси яратилган. Олимпиада учун назарий ва амалий топшириқлар базасини яратиш, экспертизадан ўтказиш, халқаро олимпиада олдидан назорат материаллари тўпламини шакллантириш мақсадида хорижий ва маҳаллий экспертлардан иборат илмий қўмита ташкил этилди. Қўмитанинг ўтган йил сентябрь ойида ўтказилган биринчи йиғилишида АҚШнинг Гарвард, Туркиянинг Билкент университетлари, Швейцария Федерация технология институти, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Чехиянинг Прага кимё технологиялари институти мутахассислари ҳамда 40 дан зиёд маҳаллий вакил қатнашди.

Илмий қўмита томонидан таклиф этилган 25 та масаладан 9 таси танлаб олинди. 6 та амалий топшириқдан 4 таси маъқулланиб, 3 та йўналишга трансформация қилиниши белгиланди. Олимпиаданинг лаборатория ва назарий босқичлари учун материаллар базаси шакллантирилди.

Халқаро кимё олимпиадаси бошқарув қўмитаси, 58-халқаро кимё олимпиадасининг илмий ва ташкилий қўмиталари қўшма йиғилиши жорий йилнинг 10-18 январь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилди. Тайёргарлик босқичи доирасидаги мазкур учрашувда ўқувчиларнинг академик тайёргарлиги ва халқаро форматдаги масалаларга мослашиш жараёнлари муҳокама қилинди.

Назарий ва амалий имтиҳон топшириқларининг Халқаро кимё олимпиадаси стандартларига мослиги кўриб чиқилиб, тасдиқланди. Йиғилиш якунида имтиҳон материаллари ва баҳолаш тизими бўйича кейинги босқич учун расмий тавсиялар ишлаб чиқилди. Амалий тайёргарлик доирасида 16 ўқувчи иштирокида синов имтиҳони ташкил этилиб, масалалар тестдан ўтказилди.

### Олимпиада қайси манзилларда бўлиб ўтади?

Халқаро олимпиада жараёнлари, асосан, Central Asian Expo (CAEx) ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ташкил этилади. Нуфузли тадбирнинг очилиш маросими Халқаро анжуманлар саройида, ёпилиш маросими эса Янги Ўзбекистон боғида ўтказилиши кўзда тутиляпти.

Умид қиламизки, терма жамоамиз бу гал ҳар доимгидан-да кўпроқ медаллар шодасига эга бўлади. Ўтган йилги бронзалар кумушга, кумушлар олтинга айланса, не ажаб. Зеро, она ватан тупроғи, юрт умиди, халқ меҳри ва ишончи фарзандларимизни дадилликка, ғолибликка ундайди.

**Муножат МЎМИНОВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

Нуқтаи назар



**Ғулом УЗОҚОВ,**
**техника фанлари доктори, профессор**

**Сўнгги йилларда қабул қилинган фармон ва қарорлар халқимиз фаровонлиги, юртимиз тинчлиги, ёшларимизнинг ёрқин ва истиқболли келажаги учун хизмат қилмоқда. Айниқса, иқтисодий салоҳияти юқори, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига катта ҳисса қўшувчи ҳудудлар учун мақсадли давлат дастурлари муҳим аҳамият касб этади. Президентимизнинг 2026 йил 13 мартдаги "Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни янада жадаллаштириш тўғрисида"ги қарори ҳам ушбу ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган стратегик ҳужжат сифатида воҳа аҳолиси томонидан мамнуният билан қабул қилинди.**

# ЯНГИ ҚАРОР

## УНДА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ВАЗИФАЛАР КЎП

Қарорнинг асосий моҳияти Қашқадарё вилояти иқтисодиётини диверсификация қилиш, аҳоли бандлигини ошириш, бизнес муҳитини ва ижтимоий инфратузилмани яхшилаш, яшил тамойилли ёндашувларни жорий этиш орқали юқори ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминлашдан иборат.



Ҳужжатда иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Саноатни модернизация қилиш, саноат корхоналарини технологик янгилаш ва энергия самарадорлигини таъминлаш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва экспорт ҳажмини кўпайтиришга йўналтирилган муҳим тадбирлар белгиланган. Жумладан, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 8,2 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,6 фоиз, бозор хизматлари ҳажми 15,9 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 5,8 фоиз ва қурилиш ҳажми 13,2 фоиз ўсишига эришиш 2026 йилда юқори иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари сирасига киради. Ишсизлик даражасини 3,2 фоиз ва камбағаллик даражасини 3 фоизга пасайтириш, шунингдек, ҳудудий экспорт ҳажмини 1,3 баравар, инвестициялар ҳажмини 1,6 баравар ошириш белгиланган. Инвестиция муҳитини яхшилаш мақсадида хорижий ва маҳаллий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун институционал шароитлар яратиш, солиқ ва маъмурий енгилликлар жорий этиш назарда тутилган.

Қарорнинг муҳим жиҳати — ижтимоий йўналтирилганидадир. Айниқса, бандликни таъминлаш, янги иш ўринлари очиш орқали аҳоли даромадини ошириш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, яъни инсон капиталини ошириш орқали узоқ муддатли иқтисодий ўсишга замин ҳозирлашнинг асосий тамойиллари белгилаб берилган. Инфратузилмани модернизация қилиш, транспорт, энергетика ва коммунал хизматлар сифатини яхшилаш бўйича ҳам манзилли чора-тадбирлар кўзда тутилган бўлиб, бу "инсон капитали — иқтисодий ўсиш драйвери" концепциясига тўлиқ мос келади.

Қарорда белгиланганидек, инновацион иқтисодиётни ривожлантиришга хизмат қиладиган, ҳудудда технопарклар ва саноат зоналарини яратиш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш, илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш бўйича устувор вазифалар амалга оширилади.

Халқимиз фаровонлигини таъминлаш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси 100 миллион АҚШ доллари ажратади. Вилоятда янги имконият ва ташаббусларни ишга солиш, тадбиркорлик инфратузилмасини яхшилаш учун республика бюджетидан 190 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилган.

Вилоятда энергия самарадорлигини ошириш, "яшил" технологияларни жорий этиш ва "яшил" истеъмол кредитларини ажратишга алоҳида эътибор берилган. Айниқса, вилоятдаги 311 та ижтимоий соҳа муассасасини иссиқ сув билан таъминлаш мақсадида 623 та гелиоколлектор (қуёш сув иситиш коллекторлари) ўрнатилиши барқарор иссиқ сув билан таъминлаш ва энергия ресурсларини тежаш имконини беради. Агар бу рақамларни вакуумли гелиоколлектор мисолида таҳлил қилсак, битта коллектор йилига 1700-2000 киловатт-соат иссиқлик энергияси беради. Натижада битта вакуумли гелиоколлектор (20-24 шиша трубкали) 180-200 куб метр газни ёки 1700-1800 киловатт-соат электр энергиясини тежашини ҳисобга олсак, ўрнатилган 623 та гелиоколлектор ёрдамида йилига 124 минг 600 куб метр табиий газ ёки 1 миллион 121 минг 400 киловатт-соат электр энергияси иқтисод қилиниши маълум бўлади.

Қарши давлат техника университетида таълим сифатини яхшилаш ва замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш учун 9 миллиард сўм ажратилди. Бу маблағ воситасида, ҳудуд иқтисодиёти ва саноат корхоналари эҳтиёжидан келиб чиқиб, университетда замонавий лаборатория мажмуаси барпо этилади. Натижада университетда ёш олимлар ва илмий мактаблар учун илмий тадқиқотларни ривожлантириш, вилоятдаги муаммоларни илмий асосда ўрганиш, тадқиқ қилиш ва ечимлар ишлаб чиқиш учун етарли шароит яратилади. Ёш олимлар ва талабалар ҳудудий инновацион лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этади. Саноат корхоналари учун илмий-консалтинг хизматлари кўрсатилади.

Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йилида вилоятдаги 99 та маҳаллага университетнинг 800 дан ортиқ талабаси бириктирилди. Уларнинг амалиёти шу ҳудудда ташкил қилинмоқда. Архитектура ва қурилиш соҳасидаги битирувчи талабалар, магистрлар ва ёш тадқиқотчилар Қарши туманидаги Гулшан маҳалласининг бош режасини ишлаб чиқмоқда.

Энергетика муҳандислиги факультети тадқиқотчилари ва талабаларидан иборат гуруҳ Гулшан маҳалласида энергия истеъмолчилари юкламасини таҳлил қилиш, маҳаллада ўрнатилган қуёш панелларининг самарадорлигини ошириш бўйича илмий-техник ечимлар устида фаолият юритяпти.

Университетда Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигида хорижий тиллар ва касбга ўқитиш маркази очилди. Германия компанияси билан ҳамкорликда ёшларни иш билан таъминлаш истиқболлари белгилаб олинди. Талабалар ва маҳаллий аҳоли учун илк немис тили ўқитиш дастурини амалга ошириш ишлари бошланди. Мазкур лойиҳа замонавий техника, интеллектуал ўқув платформалари ва Европа стандартларига мос ўқув материаллари асосида самарали таълим усулини ишлаб чиқишга қаратилган.

Лойиҳанинг изчил амалга оширилиши минглаб ёшларнинг Германияда ўқиши ва ишлаши учун кенг имконият яратади. Германиянинг "Просика" ва "Мотиба" компаниялари билан ҳамкорликда жорий йил 3 минг, 2030 йилгача жами 50 минг нафар ёшни ушбу лойиҳа орқали нуфузли немис компанияларига ишга юбориш режа қилинган.



Президентимиз қарори Қашқадарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида тизимли ва комплекс ёндашувни таъминлайди. Унинг ижроси ҳудудда иқтисодий ўсиш суръатини барқарорлаштириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, вилоятнинг инвестицион ва инновацион салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Шу жиҳатдан мазкур қарорни ҳудудий ривожланишнинг институционал асосини мустаҳкамловчи ва миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишига ҳисса қўшувчи стратегик ҳужжат сифатида эътироф этиш ўринлидир.

Муқаддас бурч

# ЮРАКДАН ЧИҚҚАН АҲД

**Ватан... Бу сўз тилга олинганда қалбимизда ўзгача туйғу, фахр ва ифтихор жўш уради. Зотан, Ватан — биз учун нафақат киндик қонимиз тўкилган тупроқ, балки она сути билан қалбимизга муҳрланган муқаддас бир тимсол. У — аждодларимизнинг шонли тарихи, авлодларимизнинг порлоқ келажаги ва бугунги бахтимиз бешиги.**

"Ватанни севмоқ иймондандир" деган ҳикмат бор. Дарҳақиқат, юртини кўз қорачиғидек асраш, тинчлиги учун масъулиятни ҳис қилиш ҳар бир йигитнинг нафақат конституциявий бурчи, балки қалб амри, виждон иши ва ор-номусидир.




Бугун юртимиз сарҳадларида, ҳарбий қисмларда мард ўғлонларимиз Ватанга садоқат қасамёдини қабул қилмоқда. Бу шунчаки тантанали тадбир эмас, балки лафз, эл-юрт олдидаги юксак масъулият ҳамдир. Қасамёд қилган ҳар бир аскар ўз зиммасида миллионлаб юртдошлари орзусини, болалар кулгусини ва оналар хотиржамлигини кўтариб туради.

Жиззах шаҳри ҳамда вилоятнинг Зомин ва Бахмал туманларида жойлашган Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмларда ташкил этилган ўқув пунктларида дастлабки ҳарбий тайёргарлик бўйича назарий ва амалий кўникмаларни пухта эгаллаган ёш аскарларнинг Ватанга қасамёд қабул қилганликлари ҳам уларнинг юксак садоқати ва беқиёс ватанпарварлигининг ёрқин ифодасидир.

Бу ёшлар энди оддий фуқаро эмас — улар Ватан сарҳадларининг ишончли посбонларига айланмоқда. Машаққатли машғулотлар, интизом ва матонат билан йўғрилган кунлар уларни чиниқтирди, иродасини мустаҳкамлади. Ҳар бир ўрганилган сабоқ, ҳар бир амалий машқ уларнинг қалбида юртга муҳаббатни янада чуқурроқ жо этди.

Вилоятнинг чегара ҳудудлари осойишталигини таъминлаш остонасида турган ўғлонлар кўксига қуролини маҳкам босганича қасамёд қилди. Уларнинг нигоҳларида қатъият, қадамида эса шижоат ва ишонч мужассам. Бу қасамёд оддий сўзлар йиғиндиси эмас, балки уларнинг бутун ҳаётини, тақдирини Ватан ҳимоясига бағишлашга берган муқаддас аҳдидир.

Шу онларда аскарлар қалбида она юртга муҳаббат янада улғайди, масъулият ҳисси янада кучайди десак, муболаға бўлмайди. Улар энди юрт тинчлиги ва халқ осойишталиги учун ўз жонини аямасликка тайёр мард ва жасур ўғлонлардир. Чегараларимиз дахлсизлиги, осмонимиз мусаффолиги, халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаёти ана шундай фидойи фарзандлар қўлида.

ДХХ Чегара қўшинлари масъул ходимлари, ҳарбий қисм қўмондонлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар ҳамда ёш аскарларнинг ота-оналари, яқинлари иштирокида ўтказилган мазкур тадбирлар юксак руҳ, кўтаринки кайфият ва чуқур маънавий мазмун билан ажралиб турди. Уларда Ватанни қўриқлаш ҳар бир йигит олдидаги энг шарафли ва муқаддас бурч экани алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга, ҳарбий соҳадаги кенг кўламли ислоҳотлар, миллий армиямизнинг қудрати ва салоҳиятини янада оширишга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатлар хусусида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тантанали марш садолари остида саф тортиб ўтган аскарлар юртга бўлган садоқат ва интизом тимсолини намоён этди. Қасамёд қилиб, сарҳадларимиз ҳимоясига бел боғлаган мард ва жасур ўғлонларга ДХХ Чегара қўшинлари қўмондонининг самимий табриги етказилди. Унда ёш аскарларга юксак ишонч билдирилиб, уларнинг Ватан олдидаги масъулиятли йўлига оқ йўл тилаб қолинди.

Шундан сўнг муддатли ҳарбий хизматчилар томонидан қисқа вақт ичида эгалланган жанговар тайёргарлик даражасини намоён этувчи кўргазмали чиқишлар ташкил этилди. Ҳимоя ва ҳужумда қўл келувчи турли жанговар элементлар, чаққонлик, тезкорлик ва аниқликни талаб этувчи машқлар юксак маҳорат билан ижро этилди. Бу эса ёш аскарларнинг нафақат жисмонан, балки руҳан ҳам тайёр эканини кўрсатди.

Энг таъсирли онлардан бири эса, шубҳасиз, фарзандларининг ҳарбий қасамёд қабул қилиб, йигитлик бурчини адо этишга киришганини кўрган ота-оналарнинг ҳис-туйғулари бўлди. Уларнинг кўзларидаги фахр, юракларидаги ифтихор ва дуоларга тўла нигоҳи бугунги тантананинг энг самимий ва беқиёс лавҳаси. Чунки улар ўз фарзандларини нафақат оиласи, балки бутун Ватан ҳимоясига бағишлаган мард ўғлон сифатида кўрди.

Тантанали маросимда иштирок этганлар орасида оддий аскарнинг бобоси Абдуҳамид Норқувватов ҳам бор эди.

— Бугун мен учун ҳам унутилмас кун бўлди, — деди отахон ҳаяжон билан. — Неварамни ана шундай шарафли сафда, юрт ҳимоясига шай турган аскар сифатида кўриш юксак ифтихор. Ҳарбий қисмда яратилган шарт-шароитлар, ёшларга берилаётган таълим-тарбия, интизом ва эътиборни кўриб, кўнглим тўлди. Бу ерда фарзандларимиз нафақат ҳарбий сир-асрорларни, айни пайтда мард инсон бўлишни, Ватанга садоқат билан хизмат қилишни ҳам ўрганмоқда.

Унинг сўзларида ҳаётий тажриба, чуқур маъно ва самимият мужассам.

Маросимда қашқадарёлик ёш аскарлардан бири Азизбек Нурхонов ҳам қалбидан чиққан самимий фикрлари билан барчани тўлқинлантирди. Унинг сўзлари содда, аммо мазмунан чуқур ва таъсирли:

"Бугун мен ҳаётимдаги энг улуғ қасамни қабул қилдим. Бу нафақат сўз, балки юрагимдан чиққан аҳддир. Шу заминда туғилиб ўсдим, унинг ҳар бир қарич тупроғи мен учун азиз. Энди эса уни ҳимоя қилиш менинг бурчимга айланди. Бу масъулиятни чуқур ҳис қиламан.

Ҳарбий қисмда яратилган шароитлар, бошлиқларимизнинг талабчанлиги ва эътибори бизга катта куч бермоқда. Биз бу ерда нафақат қурол ушлашни, балки Ватанни чин дилдан севишни, уни асрашни ўрганяпмиз. Айниқса, бугунги кунда дунёдаги турли таҳликаларни кўриб, юртимизнинг тинчлиги қанчалик қимматли эканини янада чуқур англаяпман.

Мен Ватанимга содиқ бўлишга, халқим ишончини оқлашга ва берилган қасамёдга умрбод вафо қилишга ваъда бераман".

Ватанга қасамёд эл-юртга садоқат, масъулият ва фидойилик рамзидир. Юртимиз сарҳадларини ишонч билан қўриқлаётган ана шундай жасур ва мард ўғлонлар бор экан, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлаверади.

**Фарҳод НЕЪМАТОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news



**Клавихо Темурни катта ҳудудларни забт этган, турли мамлакатлар устидан ҳукмронлик ўрнатган жаҳонгир дея таърифлайди. Соҳибқирон давлатининг кенглиги, қўшинларининг кўплиги ва сиёсий нуфузи алоҳида урғу билан кўрсатилади.**

**Клавихо Темурни халқаро легитимликка эга ҳукмдор сифатида кўрган. У элчи мақомида ҳукмдор саройидаги қабул маросимлари, протокол ва дипломатик тартибни батафсил ёритади. Унинг қайдлари мазмунига кўра, Темур ўз ҳокимиятини фақат ҳарбий кучга эмас, балки халқаро тан олинишга ҳам таянтирган. Сарой протоколи унинг сиёсий легитимлигини намоён этган. У Европа қиролликлари билан муносабат ўрнатиш орқали глобал сиёсий тизимга кирган.**



## Амир Темур таваллудининг 690 йиллиги

# КЛАВИХО ХОТИРАЛАРИДА СОҲИБҚИРОН ГЕОСИЁСАТИ

**Давлатимиз раҳбари қарори асосида ҳар йили апрель ойини “Амир Темур ойлиги” деб эълон қилиш ҳамда унинг доирасида темурийлар даври тарихини тизимли ўрганиш, илмий натижаларни кенг тарғиб этиш йўлга қўйилиши мамлакатимиз ва минтақамизни тарихда жаҳон сиёсатининг етакчи ҳудудига айлантирган буюк аждодимиз шарафини эъзозлашда ҳақиқий авлодларга хос иш бўлди. Зеро, Соҳибқирон минтақа халқи қудратининг рамзидир.**



**Фазлиддин РАВШАНОВ,**
**сиёсий фанлар доктори, профессор**

Бу қудрат ва мақомни ўтмишда кўплаб тарихчилар асарларида эътироф қилган ва Темур империяси жаҳон сиёсатининг етакчи кучларидан эканини қайд этган. Шундай манбалардан бири Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг “Самарқандга — Амир Темур саройига саёҳат кундалиги” асари бўлиб, у XIV аср охири ва XV аср бошида Марказий Осиёдаги сиёсий, маданий ва ижтимоий ҳаётни батафсил ёритувчи тарихий манбалардан бири ҳисобланади. Бу асар фақат саёҳатчи назаридан тасвирланган воқеалар тўплами эмас, балки Амир Темурнинг давлат сиёсати, марказлашув механизмлари ва геосиёсат стратегиясини ҳам таҳлил қилади.

Кундалик Самарқанд саройининг архитектураси, маъмурий тартиб ва маданий муҳитни тасвирлаши орқали Амир Темурнинг шахсий ва сиёсий фаолиятини тушуниш учун муҳим маълумотлар тақдим этади. Асар, шунингдек, темурийлар давлатчилигининг кейинги давр Евроосиё тарихининг шаклланишидаги ўрнини ҳам очиб беради.

Самарқанд сарой архитектураси, бинолари, боғлари ва маданий тадбирлари Клавихонинг кундалигида батафсил ёритилган. Асарда саройдаги биноларнинг таркиби, ҳунармандлик ва бадиий безаклар орқали темурийлар маданияти ва эстетик қарашлари намоён бўлади. Саройдаги ёзувчилар, олимлар ва санъаткорлар билан ўтказилган тадбирлар кузатуви Темурнинг маданий ривожланиш ва билимга эътиборини англатади.

Саёҳат кундалигида саройдаги ижтимоий иерархия, хизматчиларнинг вазифалари ва давлат маъмуриятининг тартиби ҳам кенг тасвирланади. Гап шундаки, у қайд этган маълумотлар кейинчалик “Темур тузуклари”да келтирилган тартиб-интизом қайдларига жуда мос келади. Бу маълумотлар тарихшуносликда темурийлар маданияти ва давлат бошқаруви ўртасидаги узвийликни таҳлил қилиш учун асосий манба ҳисобланади. Вақти келиб, Л. Керен ҳам бу манбадан унумли фойдаланган эди.

Муаллиф Темур давлати бошқарувининг асосий жиҳатларига алоҳида тўхталган. Унда ҳар бир вилоят ва сарой марказдан назорат қилингани, маъмурий ваколатлар аниқ тартибга солингани, Темур турли элатларни бирлаштириш орқали барқарорликни таъминлагани, шунингдек, ҳарбий қўшинларнинг ташкил этилиши, ҳарбий йўналишлар ва қўшинларнинг мобилизация механизмлари батафсил ёритилади. Бу тартиб ва унинг Клавихо келтирган тавсифлари Темур давлатчилигининг ўз даври тартиб-механизмларини аниқлашда ҳозирги давр тадқиқотчиларига катта имконият беради. Буни кейинчалик Темур бошқарувидан ҳайратланган В. Череванский ҳам таъкидлаган эди.

> **Ҳозирга қадар Европа Темурни формал равишда умумжаҳон миқёсида тан олинган буюк ҳукмдор, сиёсий таъсири бутун Евроосиё миқёсида баҳоланадиган жаҳонгир дея муҳокама қилиб келади. Шу маънода айтиш мумкинки, Темур Европа сиёсий тасаввурида “ўз даврининг энг қудратли Шарқ императори” ва де-факто глобал сиёсий марказ эгаси сифатида кўрилади.**

Клавихо ўз кундалигида Амир Темурнинг Евроосиёдаги геосиёсий таъсирини даврининг мукаммал дипломатик стратегияси, ҳарбий ва геосиёсий таъсири сифатида тавсифлайди. Темур маъмурияти қўшни давлатлар билан дипломатик муносабатларни самарали тарзда бошқарган, савдо ва стратегик йўлакларни назорат қилган. Соҳибқироннинг ҳарбий ҳаракатлари ва ғалабалари, минтақавий барқарорлик ва ҳудудий кенгайишда муҳим роль ўйнаган. “Ҳудудий кенгайиш” ғояси кейинчалик XIX асрда машҳур немис геосиёсатчиси Фридрих Рацел томонидан ҳам Европанинг муҳим стратегик назарияси сифатида илгари сурилган эди. У ўз тадқиқотларида давлатларни тирик организмга қиёслаб, уларнинг ўсиш ва кенгайиш эҳтиёжини биологик жараёнга ўхшатган. Унинг фикрлари XX асрдаги Германия ташқи сиёсати, хусусан, “Ҳаёт макони” (“Лебенсраум”) доктринасига катта таъсир кўрсатган.



Клавихо асарини чуқур тафаккур билан кузатган темуршунос олим Т. Алимардонов ҳам буни “Амир Темурнинг Евроосиё минтақасидаги ҳарбий урушлари тасодифлар асосида кечмаган ва улар муайян геосиёсий мақсадлар билан амалга оширилганини кўрсатади”, деб ёзади. Темурнинг шахсий стратегиялари ва марказий назорат усуллари унинг нафақат маҳаллий, балки минтақавий сиёсий етакчи сифатида намоён бўлишига ёрдам берган. Бу жиҳатдан Клавихонинг кундалиги Амир Темурнинг шахсий сиёсати ва геосиёсий таъсири ҳақида тарихий ва таҳлилий маълумотларни тақдим этиб, унинг Евроосиё давлатчилиги тарихидаги ўрнини мукаммаллаштиради, Евроосиёдаги геосиёсий таъсирини ва минтақавий сиёсатдаги етакчи ролини очишга хизмат қилади. Шу тариқа Клавихонинг кундалиги темурийлар тарихини ўрганишда, геосиёсий таҳлил ва қиёсий тарихшуносликда қимматли илмий манбага айланади.

Асарда Амир Темурга нисбатан юқори, ҳайрат ва ҳурмат уйғотувчи баҳо берилади. Асар муаллифи Темурни ўз даврининг қудратли ва нуфузли ҳукмдори сифатида тасвирлайди. Клавихо Темурни катта ҳудудларни забт этган, турли мамлакатлар устидан ҳукмронлик ўрнатган жаҳонгир дея таърифлайди. Унинг давлатининг кенглиги, қўшинларининг кўплиги ва сиёсий нуфузи алоҳида урғу билан кўрсатилади. Бу орқали Темур ўз давридаги жаҳоннинг энг кучли сиёсий арбоби сифатида баҳоланади. Арман тарихчиси Ф. Метсопскийда эса бундай стратегик дунёқараш етишмайди. “Темурланг ва унинг ворислари тарихи” (“History of Timur-Lanka and its successors”) асарида у майда қарашлар даражасида фикрлайди. Лекин тарихда унинг асари ҳам ўз изини қолдирди ва айрим ғарблик тарихчилар учун ўзлари билмаган Темур тарихига бўҳтонлар ёғдириш манбаи бўлди.

Клавихо асарида Темурнинг давлат бошқаруви ишларида кучли назорат ўрнатгани, амирлар ва амалдорлардан темир интизом талаб этгани қайд этилади. Бу ёндашув “Темур тузуклари”да ҳам алоҳида ифодасини топади. Бу жиҳатдан у кучли марказлашган ҳокимият яратган, ҳарбий ва маъмурий тизимни қатъий назорат қилган ҳукмдор сифатида намоён бўлади. Клавихо Самарқандни Темур даврида дунёнинг сиёсий, маданий ва иқтисодий маркази, ўз даври дунё давлатлари элчилари келадиган нуфузли пойтахтга айланганини бевосита қайд этади.

> **Асарда Темурнинг ташқи кўриниши, қабул маросимлари, ҳарбий тартиб-қоидалари шундай баён қилинадики, у нафақат ҳурмат, балки қўрқув уйғотувчи шахс сифатида намоён бўлади. Бу Темурнинг “Амримдагиларни қўрқув ва умид орасида тутдим” деган машҳур сўзига муносиб равишда муаллифнинг ҳам нозикфаҳм дипломат бўлганини кўрсатади.**

Асарда Темурнинг ташқи кўриниши, қабул маросимлари, ҳарбий тартиб-қоидалари шундай баён қилинадики, у нафақат ҳурмат, балки қўрқув уйғотувчи шахс кўринишида намоён бўлади. Бу Темурнинг “Амримдагиларни қўрқув ва умид орасида тутдим” деган машҳур сўзига муносиб равишда муаллифнинг ҳам нозикфаҳм дипломат бўлганини кўрсатади.

Шу тарзда Клавихо Амир Темурга ўз даврининг энг қудратли ҳукмдори, кучли марказлашган давлат асосчиси, катта қурилишлар ташаббускори, тартиб-интизомни устувор қилган сиёсий арбоб дея баҳо берган. Асарда танқидий руҳ кучли эмас, аксинча, Европа элчиси нуқтаи назаридан ҳайрат ва эҳтиром устувор. Шу жиҳатдан бу манба Темурнинг ўз давридаги халқаро имижи қандай бўлганини кўрсатадиган муҳим тарихий ҳужжат ҳамдир. Темурнинг Клавихо қаламга олган айрим хислатлари кейинчалик қатор араб муаррихлари томонидан ҳам қайд этиладики, бу уни ташқаридан кузатган деярли барча учун бир хил таассуротли шахс бўлганини англатади.

Клавихо Темурнинг давр геосиёсатидаги ўрнини бевосита “геосиёсат” атамаси билан эмас, балки бир қатор реал сиёсий омиллар орқали кўрсатган. У Темурни, аввало, Евроосиё геосиёсий маркази ҳукмдори сифатида кўради. У буни Самарқандга кўплаб мамлакатлардан турли элчилар, савдогарлар ва сиёсат вакиллари келиши, шу сабабли йўллар бундай ташриф вакилларига тўлалиги билан таъкидлайди. Бу ҳолат қуйидаги хулосага олиб келади:

— Темур давлати минтақавий эмас, трансқитъавий сиёсий марказга айланган;

— Самарқанд Шарқ ва Ғарб ўртасидаги дипломатик тугун вазифасини бажарган;

— Темур ўзини фақат минтақа ҳукмдори эмас, балки халқаро сиёсий тизим етакчиси сифатида намоён этган.

Бу жиҳатдан Клавихо ҳам, у айтган кўплаб элчилар мамлакатлари ҳам Темурни XIV–XV асрлар Евроосиё геосиёсий тартибининг марказий фигураси дея тан олган.

Кундаликда Темур жаҳон кучлари мувозанатини ўзгартирган стратег сифатида ҳам намоён бўлади. Буни муаллиф асарда Темурнинг қудрати, ҳарбий юришлари ва унинг салтанати кенглиги таърифларида ифода этади. Ҳақиқатан, Темур Олтин Ўрда, Эрон, Ироқ, Шом, Кавказ, Ҳиндистон ва Онадўли ҳудудларида кучлар нисбатини ўзгартирган, минтақада янги сиёсий конфигурация яратган, унинг юришлари дунё тарқоқлигини ва ундаги низоларни заифлаштириб, янги марказлашган тизим ва сиёсий майдон барпо қилган. Шу нуқтаи назардан, Клавихо Темурни “қурол ва қалам (дипломатик) кучи орқали геосиёсий маконни қайта шакллантирган” шахс дея тасвирлайди.

Клавихо Темурни халқаро легитимликка эга ҳукмдор сифатида кўрган. У элчи мақомида унинг саройидаги қабул маросимлари, протокол ва дипломатик тартибни батафсил ёритади. Унинг қайдлари мазмунига кўра, Темур ўз ҳокимиятини фақат ҳарбий кучга эмас, балки халқаро тан олинишга ҳам таянтирган. Сарой протоколи унинг сиёсий легитимлигини намоён этган. У Европа қиролликлари билан муносабат ўрнатиш орқали глобал сиёсий тизимга кирган. Шу сабабли бу тавсифлар Темурни “халқаро геосиёсий мулоқот иштирокчиси ва етакчиси” эканини кўрсатади.

Муаллиф Самарқандни ўша даврнинг геостратегик ва цивилизацион маркази дея тасвирлайди. Асарда шаҳарнинг ободлиги, саройлар ва инфратузилмаси ҳавас билан алоҳида тавсифланади. У Самарқандни стратегик транспорт йўллари тугуни, Темурни эса маданий-иқтисодий марказ яратиш орқали қудратни институционаллаштирган, геосиёсий нуфузни фақат ҳарбий эмас, цивилизацион марказ орқали мустаҳкамланган шахс сифатида кўради. Бу ҳолат у “қудрат географияси”ни барпо этганини кўрсатади. Клавихонинг бу қарашлари ҳақиқатдан холи эмас. Зеро, рус олими А. Якубовский таъкидлаганидек, “Клавихо Темур билан бир неча марта учрашган ва суҳбатлашган, у ҳақида кўплаб ҳикояларни эшитган, шахсан Самарқандда ва Темур давлатидаги бошқа шаҳарларда бўлган. У кўрган ва эшитган барча нарсаларини кундалик шаклида ёзиб борган. Клавихо жуда нозик кузатувчи ва ақлли инсон. Унинг мавқеи мустақил бўлгани учун Темурга муносабати холис эди. У ҳам Ибн Арабшоҳ каби фақатгина ўз кўзи билан кўрган нарсаларни эмас, балки эшитган маълумотларини ҳам қайд этган. Агар Ибн Арабшоҳ Темурга нисбатан бир оз салбий ва тарафкаш муносабатда бўлгани ҳисобга олинса, Клавихо асарларида бундай ҳолат умуман кузатилмайди”.

Темур куч ва дипломатияни уйғунлаштирган етакчи бўлган. Асарда унинг ҳайбати, қабул тартиби ва ҳарбий интизомини қайд этар экан, Клавихо Темур геосиёсатда икки — ҳарбий қудрат ва дипломатик нуфуз (элчилар орқали таъсир) механизмларидан унумли фойдаланганига ишора қилган. Шу жиҳатдан Клавихо Темурни классик “қаттиқ куч + юмшоқ куч” уйғунлигини амалга оширган ҳукмдор эканини ёзади.

Клавихо асари асосида Темурнинг давр геосиёсатидаги ўрнини қуйидагича ифодалаш мумкин: у Евроосиёда янги кучлар мувозанатини шакллантирган, минтақани глобал сиёсий марказга айлантирган, марказлашган қудрат орқали геосиёсий тартибни қайта қурган, ҳарбий экспансия ва дипломатик мулоқотни бирлаштирган. Яъни Клавихо Темурни ўз даврининг шунчаки забткори эмас, балки геосиёсий архитектори дея тасвирлайди.

Хўш, ўша вақтда Испания ва унинг ён-атрофидаги давлатларда аҳвол қандай бўлган ва улар нега Темурга элчилар юборган? Клавихо кундалиги моҳиятини англаш учун ўша даврдаги Иберия яримороли ва Европадаги сиёсий вазиятни ҳисобга олиш зарур. XV аср бошида Испания ягона давлат эмас эди. Яриморолда Кастилия, Арагон қиролликлари, Гранада амирлиги (мусулмон давлати) ҳукм сурарди. Клавихо айнан Кастилия қироли номидан юборилган элчи эди. У пайтда Кастилияни Генрих III бошқараётганди. Ички вазиятга кўра, у феодал тарқоқлик, реконкиста (мусулмон Гранадага қарши кураш), иқтисодий қийинчиликлар (қора ўлат оқибатлари)ни бошдан кечирар ва ҳолдан тойганди. Ташқи вазиятига кўра, яшаб қолиш учун Европадаги катта сиёсий рақобат майдонида, Франция ва Англия ўртасидаги “Юз йиллик уруш”га тортилган ва айни вақтда Усмонлилардан ҳам хавф кутарди. Генрих III ана шу учала энг оғир муаммодан қутулишнинг ягона йўлини, Клавихо айтганидек, Темур билан “ҳамкорлик ва иттифоқчилик” мақомига эришишда кўрган. Зеро, унинг Клавихога Темурдан шундай жавоб мактуби олиб қайтиш топшириғи моҳияти шуни англатади. Кастилия бу билан ўз халқаро нуфузини оширишни кўзлар, айниқса, урушлар воситасида босим ўтказаётган Франция ва Англия олдида ўз сиёсий мавқеини мустаҳкамлашни истарди. У учун айни вақтда дунёдаги энг қудратли ҳукмдорлардан бири билан дипломатик алоқа ўрнатиш юксалиш масаласи эди. Афсуски, кейинчалик Темур ҳақида тадқиқотлар қилган Жан Пол Ру “Тамерлан” асарида Клавихо зиммасида бўлган бу каби нозик вазифаларни тушуна олмаган.

XV аср бошида Кастилия ўз ташқи сиёсатини фаоллаштириш босқичидаги давлат, Темур эса Усмонлиларни мағлуб этган, Евроосиё кучлар мувозанатини ўзгартирган, халқаро миқёсда тан олинган ҳукмдор эди. Шу сабабли элчилик тасодифий сафар эмас, балки мукаммал ҳисобланган геосиёсий қадам бўлган.

Европаликлар Темурга муайян маънода дунё ҳукмдори сифатида қараган. “Дунё ҳукмдори” тушунчаси ўша даврда XV аср бошида Европа сиёсий тафаккурида “илк мондиализм” (умумжаҳон ҳокимияти) ғояси таркибида мавжуд эди. Бундай тушунчалар одатда Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам катта империя асосчиларига нисбатан қўлланилган. Европада Темурга нисбатан бу атама расман ишлатилмаган, аммо Клавихо тасвирларидан шундай тасаввур шаклланганини кўриш мумкин. Асарда Темур жуда кенг ҳудудлар ҳукмдори, турли халқлар устидан ҳукм юритувчи, бошқа ҳукмдорлар, элчилар унинг қабулини кутувчи марказий шахс дея кўрсатилади. Бу тасвир уни минтақа амиригина эмас, балки глобал кўламдаги сиёсий арбоб эканини намоён қилади.

Ҳозирга қадар Европа Темурни формал равишда умумжаҳон миқёсида тан олинган буюк ҳукмдор, сиёсий таъсири бутун Евроосиё миқёсида баҳоланадиган жаҳонгир дея муҳокама қилиб келади. Шу маънода айтиш мумкинки, Темур Европа сиёсий тасаввурида “ўз даврининг энг қудратли Шарқ императори” ва де-факто глобал сиёсий марказ эгаси сифатида кўрилади.

Ҳақиқатан, Темур империяси XIV иккинчи ярми — XV асрнинг биринчи ярмида жаҳон реал геосиёсий манзарасида дунёнинг энг йирик ҳудуди ва ҳарбий-сиёсий кучи эди. Бу ҳудуд ва куч Жануб, Шарқ ва Ғарбдаги барча давлатларнинг сиёсий ҳисоб-китобларини ўзгартирган. Бу геосиёсий “таъсир маркази” мавқеини ҳам англатарди. Шунга кўра айтиш мумкинки, ўша вақтда Марказий Осиё дунё бошқарувчиси, етакчи кучи, жаҳон геосиёсатининг энг қудратли сиёсий марказларидан бири мақомига эгалик қилганди. Бугун бу ҳудудда яшаётган халқ мана шу қудратнинг ворисларидир.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-446.
30821 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Беккул Эгамқулов
Мусаҳҳиҳ: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 22:00 Топширилди — 23:15